



# ОМОНЛИК ИСТАГАН ИЛЛАТДАН ҚОЧАР

Асримизда инсоният келажига хавф солиб турган энг хатарли иллатлардан бири ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) касаллигидир. Ҳозиргача ОИТСнинг шифоси топилгани йўқ.

ОИТС касаллиги динимизда улкан гуноҳлардан бири ҳисоблаган зинокорлик оқибатида келиб чиқиши маълум. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло:

وَلَا تَقْرَبُوا الزَّيْفَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا

**“Зинога яқинлашманглар, чунки у фаҳш ва ёмон йўллар”** (Исро, 32), деб марҳамат қилган.

“Яқинлашманглар” сўзининг маъноси кенг. Бунда бузуқликка олиб борувчи барча сабаблардан ҳам сақланиш тушунилади. Зинокор бу гуноҳи сабабли дунёда турли касаллик ва маломатларга, охиратда эса, аламли азобга дучор бўлади. Зинокор ўз жуфти ҳалолига, оиласига хиёнат этади. Бу зино офати уларнинг наслига ҳам уради, натижада майиб-мажруҳ, ногирон болалар туғилади.

Муҳтарам Президентимизнинг бир пурмаъно сўзларини эслатиб ўтишни жоиз деб биламан: “Бу ҳаёт ҳаммамизга ҳам азиз, ҳамма ҳам шу ҳаётда яшайди. Ҳаёт тез ўтади. Лекин гап шундаки, биз яшайдиган мана шу Ватан ҳақиқатан ҳам барчамизники. Одам нима учун туғилади? Яхшилик учун, яхши ҳаёт кечириш учун, яқинларига яхшилик қилиш учун, Ватани, эли учун ўзидан бирон-бир ижобий из қолдириш учун яшайди. Аллоҳ таоло бизларга мана шундай интилиш билан яшаш учун ҳаёт ато этган”.

ОИТСга олиб борувчи иллатлардан яна бири гиёҳвандликдир. Гиёҳвандлик балоси ҳам бугун Ер юзи бўйлаб вабо каби тез тарқалиб бормоқда. Бу разолат айрим ёшлар, эракагу аёллар ўртасида илдиз отиб бораётгани ташвишли ҳолдир.

Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) ҳадисларидан бирида: “Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром”,

деганлар (Имом Муслим ривояти). Яъни, одамнинг ақлини оздирувчи, хушини кетказувчи нарсаларнинг барчаси ҳаромдир. Жумладан, афюн ҳам.

Аллоҳ таоло: **“...ўз қўлларинг билан ўзларингни ҳалокатга ташламанглар!..”** (Бақара, 195); **“...ўзларингни ўлдирманглар!..”** (Нисо, 29), деб амр этган.

Афюн одамни охири ўлимга олиб келади, демак, гиёҳванд кимса ўз жонига қасд қилган бўлади.

Бир ҳадиси шарифда: “Ҳар ким ўзини ўзи бирор нарса билан ўлдирса, қиёмат куни дўзахда унга ўша нарса билан азоб берилади”, дейилади.

Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилган ҳадиси шарифда: “Исломи динида ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар келтириш йўқ”, дейилади.

Гиёҳвандликнинг зарарлари беҳисоб: гиёҳванд кимса ухлаёлмай қолади, сустлашади, аъзойи бадани қақшаб оғрийди, иштаҳаси қочади, гамгин, кўзи ёшланадиган, бадани титрайдиган, увишадиган, юраги ўйнайдиган, кўнгли айнийдиган бўлиб қолади. Ва яна шу каби жуда кўп дарду балолар ортиради.

Бу иллатлар фақатгина бир оила ёки кимсага эмас, балки бориб-бориб бугун жамият соғломлиги ва барқарорлигига путур етказиши мумкин.

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга ўзаро бир-бирларини эзгулик, хайрли ва савобли ишларга буюриб, ёвузлик, ёмонлик ва гуноҳ ишлардан қайтариб туришни фарз қилган. Жаноби Пайгамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом): **“Эй умматларим, агар бир-бирларингизни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб туришни тарк этсангиз, бошингизга шундай бало ва офат келадики, у яхши-ёмонга баробар фожиа бўлади”**, деб огоҳлантирганлар. Демак, гиёҳвандликка қарши кураш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**Абдураззоқ ЮНУСОВ,**  
ЎМИ раисининг ўринбосари

# ҲАРНА ҚИЛСАНГИЗ, ЎЗИНГИЗГАДИР

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَايِ  
ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ  
وَالْبَغْيِ ۗ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٩٠﴾

“Аллоҳ адолатга, яхшилик қилишга ва қариндошлар ҳожатини раво этишга буюради; бузукликдан, ёмонликдан ва ситам қилишдан қайтаради. Аллоҳ сизларга, ёдингизда сақлашингиз учун, эслатади” (Наҳл, 90).

إِنَّ أَحْسَنَكُمْ أَحْسَنْتُمْ لِأَنْفُسِكُمْ ۗ وَإِنْ أَسَأْتُمْ فَلَهَا ۗ

“Агар яхшилик қилсангиз, ўзингизга яхшилик қиласиз. Агар ёмонлик қилсангиз, ўзингизга ёмонлик қиласиз...” (Исро, 7).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

— “Сизни яхши ишларингиз қувонтирса, ёмон ишларингиз қайғуга солса сиз мўминсиз” (Имом Аҳмад).

\*\*\*

— “Мўмин таъна этувчи, лаънатловчи, бузук ишлар қилувчи ва ёмон сўзлар айтувчи бўлмайди” (Имом Термизий).

\*\*\*

— “Кимнинг ёмонликларидан қўшниси омон бўлмаса у комил мўмин эмасдир” (Имом Муслим).

\*\*\*

“Икки хислат: бахиллик ва ёмон хулқ мўминда бўлмаслиги керак” (Имом Аҳмад)

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

### Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

### Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

### Тахрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Нуриддин ҲОШИМОВ  
Анвар ҚҶЧҚОР  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Абдулҳамид ТУРСУН  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ  
Абдул Жалил ХҶЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад МУҲАММАД  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

### Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

### Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

### Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи  
терди.

### Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;  
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.ru](mailto:hidoyat_jurnali@mail.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2009 йил 30 апрелда рухсат берилди.  
Босмаҳонага 2009 йил 6 майда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 31000. 398-сон буюртма. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилди.

### Қўл ёзма қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан  
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос  
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,  
«Хидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Ёмонликдан қайтариш</b>	
Абдураззоқ ЮНУСОВ	
<b>Омонлик истаган иллатдан қочар</b> .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Ҳарна қилсангиз, ўзингизгадир .....	2
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Абдуллоҳ ИСМОИЛОВ	
Дунё ва охираг эҳтиёжи .....	5
<b>УМИ ҳаёти</b>	
Эрдон ЭСОНОВ	
Уламолар кенгаши мажлиси .....	6
<b>Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили</b>	
Аҳмад МУҲАММАД	
Ўзгаришлар муждаси .....	8
<b>Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги</b>	
Шарқ маданияти гавҳари .....	11
<b>Маърифий суҳбатлар</b>	
Носир ФОЗИЛОВ	
Яхшилик ажрсиз қолмайди .....	12
<b>Ижтимоий ҳаёт</b>	
Абдувоҳид ҲОЗОВ	
Ўзимизни, ўзлимизни асрайлик .....	15
<b>Олисларга саёҳат</b>	
Аҳмад ТУРСУН	
Тайланд қироллиги .....	16
<b>Мовароуннаҳр уламолари</b>	
Толибжон НИЗОМ	
Абдулкарим Шаҳристоний .....	23
<b>Аёллар саҳифаси</b>	
НИЛУФАР	
Илк қадам .....	24
Озод ШАРАФИДДИНОВ	
Бахт қадри .....	25
Иброҳим ҒАФУРОВ	
Адабнинг илги .....	25
<b>Огоҳлик</b>	
«Хушхабарчилар»нинг	
ваъдаларига алданманг .....	26
<b>Мутолаа</b>	
Фарҳод ТУРҒУНБОВ	
Имон бутунлиги .....	27
<b>Тажриба</b>	
Муҳаммад ЮНУС	
«Мижозларим билан фахрланаман...» .....	28
<b>Ақида</b>	
Муҳаммадшариф ОТАБОВ	
Аҳли суннат фазилатлари .....	29
<b>Иброт</b>	
Муҳтарама УЛУҒОВА	
Умр сабоқлари .....	30
<b>Мактубларда манзаралар</b>	
Неъматулла САЪДУЛЛА ўғли	
Кўркамлик фазилати .....	31
Тўхтаҳон РАҲИМОВА	
Тонг .....	31
Эркин МАДОЛИМОВ	
Ҳиммат .....	31
<b>Маълумотхона</b>	
Антон ЕВСТРАТОВ	
Бразилияда Исломи .....	32

Муқованинг 1-саҳифасида Беруний тумани «Султон Увайс бобо» жомеъ масжиди.

## Тафсир

Абу Мансур МОТУРИДИЙ

“ТАЪВИЛОТУ  
АҲЛИС СУННА”4 *Оила мустаҳкамлиги ҳақида*

Эр-хотин келишиб кетиш чораларини ўзлари топишолмаган тақдирда маҳалла оқсоқолига мурожаат қилишлари керак. У икки томондан биттадан ҳакам тайинлайди.

## Муносабат

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ

## ИМОН КУШАНДАСИ

Миссионерликнинг асл мақсадини ҳамма ҳам дарҳол илғаб олавермайди. Унинг ёсуманлиги, хавф-хатари ҳам шунда. Уларнинг муддаоси миллатлараро бағрикенглик, диний тоғувлик тамойилларига мутлақо зид.

Айримлар, миссионерлар одамларни насронийликка чақиради, деб хато ўйлашади. Аслида бу гуруҳ фақат диндан, имондан, алал-оқибат, одамгарчиликдан чиқаради.

## Фиқҳ

Бурҳонуддин МАРҒИНОНИЙ

## “Ҳ И Д О Я”

*Қудуқ ҳақидаги бўлим*

18 «Қудуққа нажосат тушса, унинг суви батамом тортиб олинад ва унинг ичидаги сувни батамом тортиб олиш уни тозалаш бўлади».

«Агар қудуққа туя ёки қўй қийларидан бир ёки икки донаси тушса, сув ифлос бўлмайди».

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

*Марказий Осиёга қизиқиш*

Ҳозир йирик мамлакатларнинг Марказий Осиёдаги хомашё манбаларига қизиқишлари кучайган. Айни чоқда, Марказий Осиё исломий тамаддун марказларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳозирги босқичда Марказий Осиё мамлакатларида исломий мўътадилликни, бағрикенгликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожлантириш жуда муҳимдир.

20



# “ТАЪВИЛОТУ АҲЛИС СУННА”

## Оила мустаҳкамлиги ҳақида

وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَأَبْعَثُوا حَكَمًا  
مِّنْ أَهْلِهِمْ وَحَكَمًا مِّنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَ إِصْلَاحًا  
يُوفِّقِ اللَّهُ بَيْنَهُمَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا خَبِيرًا ﴿٣٥﴾

“Агар уларнинг оралари бузилиб кетишидан кўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам тайинланг. Агар иккиси ислоҳни исташса, Аллоҳ уларни муросага келтиради. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва хабардордир” (Нисо, 35).

Бу ояти каримада хитоб эр-хотиндан бошқаларга қаратилган. Чунки “Агар иккисининг ораси бузилиб кетишидан кўрқсангиз” дейилмоқда. Агар хитоб эр-хотинларга қаратилганда эди “оралари бузилишидан кўрқсалар...” ёки “орангиз бузилишидан кўрқсангиз...” дейиларди.

Эр-хотин келишиб кетиш чораларини ўзлари топишолмаган тақдирда маҳалла оқсоқолига мурожаат қилишлари керак. У икки томондан биттадан ҳакам тайинлайди.

Аллоҳ таоло мўминларга ўрталарини яхшилашни буюрган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿لَا خَيْرَ فِي كَثِيرٍ مِّنْ نَّجْوَاهُمْ إِلَّا مَنَ أَمْرٍ  
بِصَدَقَةٍ أَوْ مَعْرُوفٍ أَوْ إِصْلَاحٍ بَيْنَ النَّاسِ  
وَمَن يَفْعَلْ ذَلِكَ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ  
فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا﴾

“Уларнинг кўп шивирлаб гаплашишларида яхшилик йўқдир. Магар садақа бе-

ришга, эзгуликка ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлсалар, бу яхшидир. Кимда-ким Аллоҳ ризоси учун шу ишларни қилса, унга улкан мукофот беражамкиз” (Нисо, 114);

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَصْلِحُوا ذَاتَ بَيْنِكُمْ

“...Бас, Аллоҳдан кўрқингиз ва ораларингизни тузатингиз!” (Анфол, 1);

فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخْوَيْكُمْ

“Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини тузатиб қўйингиз!” (Хужурот, 10).

Ҳакамларга буюрилган нарса ҳам айнан шудир, яъни, миллатдошлари бўлган эр-хотин ўртасини келиштириб қўйишдир.

**“Агар икковлари ислоҳни исташса, Аллоҳ уларни муросага келтиради”.**

Ибн Аббос (розийаллоху анху), бу оят икки ҳакам ҳақида, деганлар. Яъни, ҳакамлар эр-хотин орасини ислоҳ қилишни исташса, Аллоҳ таоло уларни мақсадларига етишга муваффақ қилади.

Бу оят эр-хотин ўртасини ажратишга ҳакамларнинг ҳақлари йўқлигига далилдир.

Ҳакамларнинг вазифаси айб кимда эканлигини аниқлаб, унга насиҳат қилиш ва инсофга келишга чақиришдир, холос.

Ҳакамлар Аллоҳ таоло розилиги учун эр-хотин ўртасини келиштириб қўйишга ҳаракат қилишса, Аллоҳ таоло эр-хотинни бир-бирларига меҳрли, муҳаббатли бўлишга, ифбат манбаи бўлган никоҳларида давомли ҳаёт кечирешга муваффақ қилади.

Тошкент Ислам  
университети талабаси  
Бадриддин РАҲИМОВ  
тайёрлади



Жисм ва нафс талабларини тартибга солиш, уларнинг туғён қилишига йўл бермаслик билан динимиз инсонга дунё ва охират саодатини бахш этади.

Ислонда таркидунёчилик ҳам, моддапарастлик ҳам бирдай қораланади.

Мўмин умид ва мақсадларини ҳаёти ва охиратига тақсим қилади, ўзига бугуни учун ҳам, эртаси учун ҳам яхшилик сўрайди. Тўғри танланган тадбир кутилган натижага олиб боради. Мана шу қоидалардан келиб чиқиб, Ислон дини инсонни дунёда фақат ейиш

бир совлиқни соғиб, сутини беришни буюрдилар. У сутни ичди. Яна бир қўйни соғиб беришди, уни ҳам ичди. Шу тариқа етти қўйнинг сутини ичди. Эртасига у мусулмон бўлди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга бир қўйни соғиб беришни амр қилдилар, у сутни ичди, иккинчисини соғдирдилар, охиригача ича олмади. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўмин бир ичакка ичади, имон-эйтиқодсизлар етти ичакка ичади”, деб марҳамат қилдилар (*Имом Муслим ривояти*).

# ДУНЁ ВА ОХИРАТ ЭҲТИЁЖИ

учун яшаш, кечаю кундуз дастурхонини ранг-баранг таомларга тўлдириш билан овора бўлиб қолишдан қайтаради.

Баъзи кишилар дастурхонлари ёқимли ва лаззатли емаклар билан тўла бўлса, хурсанд ва хотиржам юришади. Шу нарса бўлмай қолса, аҳволлари кескин ўзгариб, тажанглашишади ва тақдирдан нолий бошлашади.

Пайгамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай ривоят қилинган: “Дунёда кўп тўқ бўлган одам қиёматда кўп оч бўлади” (*Имом Баззор ривояти*). Маълумки, оғир касалликларга ва ҳалокатга олиб борувчи кўп дардлар ошқозонни бўктиришдан келиб чиқади. Ҳадисда айтилишича: “Одам боласи қориндан бошқа идишни ёмонлик билан тўлдирмади” (*Имом Термизий ривояти*).

Кўп ейиш балосидан қутулиш чораси фақат таркидунёчиликка берилиш ёки ўзини мақсадсиз чегаралаш эмас. Ўз қарорини улуг мақсадга йўналтириб, сўнгра уни қўлга киритиш учун ҳаракат қилиш тўғри йўлдир.

Бир куни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биттасини меҳмон қилиб, унга

Бу айтилган фикрларга юзаки қаралса, уларда гўё мусулмонни неъматлардан юз ўгиришга ундаш бордек туюлади.

Ҳолбуки, асло бундай эмас. Банданинг ҳаёт ва ундаги неъматлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳеч қачон шубҳа остига олинмайди: “**Имон келтирган ва савобли ишларни қилганлар учун, агар ширкдан сақланиб, имонда ва савобли ишларда давом этсалар, сўнгра** (май ва қимордан) **сақланиб,** (ҳаромни ҳаром деб) **имон келтирсалар,**

**сўнгра** (барча нопок ва шубҳалардан) **сақланиб,** (одамларга) **эзгулик қилсалар олдин ебичган** (нопок) **нарсаларига гуноҳ йўқдир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади**” (*Моидда, 93*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у зотнинг саҳобалари шахсий ҳаётларида Аллоҳ таолонинг ушбу сўзига амал қилишган: “**Эй имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб қўйган нарсаларни ҳаромга чиқарманглар ва ҳаддан ошманглар! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди**” (*Моидда, 87*).

**Абдуллоҳ ИСМОИЛОВ,**  
*Қўқалдош Ислон ўрта-маҳсуе  
билим юрти мударрисси*





### Уммонлик меҳмонлар

Шу йилнинг 31 март куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Уммон Султонлиги миллий иқтисод вазири Аҳмад ибн Абдуннабий Маккий раҳбарлигидаги меҳмонлар “Ҳазрати Имом” мажмуасида бўлишди.

Меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси музейида сақланаётган Ҳазрати Усмон Муҳафани зиёрат қилишди. Уларга ЎМИ раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов Ҳазрати Усмон Муҳафи тарихи ҳақида сўзлаб берди.

Меҳмонларга “Ҳазрати Имом” мажмуаси ҳақида ҳикоя қилувчи тахлам ҳадя қилинди.

### Парламент раиси ташрифи

Шу йилнинг 10 апрел куни юртимизда меҳмон бўлиб турган Сингапур парламенти раиси Абдулла Тармуғи “Ҳазрати Имом” мажмуасига ташриф буюрди. Ҳурматли меҳмон янги жоменинг меъморий ечимига қизиқди. Сўнгра ЎМИ кутубхонаси музейида сақланаётган Ҳазрати Усмон Муҳафани зиёрат қилди.

Илёсхон АҲМАД

### “Ҳидоят”нинг қорақалпоқ тилидаги иловаси

Ёдингизда бўлса, мустақиллигимизнинг ўн етти йиллиги арафасида “Ҳидоят” журналининг қорақалпоқ тилидаги иловаси илк бор ёруғлик юзини кўриб, қардош биродарларимиз учун яхшигина совға бўлган эди.

Нишона сони қорақалпоқ ўқувчиларимизда катта қизиқиш уйғотди ва бу иловага бугун эҳтиёж борлиги кўринди. Бундан буён “Ҳидоят”да чоп этилган долзарб мавзулардаги сара мақолалар қорақалпоқчага таржима қилиниб, ҳар чоракда битта илова сон нашр этиладиган бўлди.

Шу кунларда “Ҳидоят”нинг бу йилги биринчи чораклик иловаси босмадан чиқиб, қорақалпоқ ўқувчилари кўлига етиб борди.

Мухбиримиз

### Рабиул аввалда умра

Юртимиздан ҳаж ва умра сафарига борувчилар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шунга яраша уларга ҳартомонлама қулайлик яратишга ҳаракат қилиняпти. Жумладан, бу йил умрага бориш фақатгина Рамазон ва унга яқин ойлардагина эмас, рабиул аввалда ҳам ташкилаштирилди.

Шунга кўра, март-апрел ойларида мингга яқин юртдошимиз Маккаи мукаррамада умра ибодатини адо этиб, Мадинаи мунавварада Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) равзаларини зиёрат қилиб қайтишди.

Азизхон ҲАКИМ

### Маслаҳатлашилди

Яқинда Қарши туман ҳокимлигида мазкур ҳудуддаги жомеъ масжидлари имом-хатиблари, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда миссионерларнинг кирдикорларига қарши ишларни кучайтириш таъкидланди. ОИТС хасталиги ва унинг олдини олиш борасида мутахассис маслаҳати тингланди. Шундан сўнг тумандаги беморлар, камтаъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганларнинг ҳолидан хабар олиш юзасидан маслаҳатлашиб олинди.

Асрор ҚИЛИЧЕВ

### Уламолар кенгаши мажлиси

Апрел ойининг саккизинчи куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор долзарб масалалар кўрилди.

Жумладан, икки масалага алоҳида эътибор қаратилди:

1. Кейинги пайтларда ЎМИ диний таълимни ислоҳ қилиш, таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш борасида хайрли ишларни амалга оширди, керакли кўмакларни берди. Шунга қарамай, таълим тизими фаолиятида бир қатор муаммо ва камчиликлар бор. Сўзга чиққанлар бу ҳақида гапириб, уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

2. Халқимиз ҳаётида кечаётган ижтимоий жараёнларни тўғри баҳолаш, уни кўпчиликка етказишда имом-хатиблардан катта масъулият ва жонқуярлик талаб қилинади. Шу боис имом-хатиблар фаолиятини шаклан,



мазмунан кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидланди.

Мажлисда шу ва бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Эрдон ЭСОНОВ**

### **Аълочилар кўпайсин**

Илм олаётган ёшларни қўллашда ҳикмат кўп. Шароит ва рағбатлантириш ҳам илм ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Ислом ўрта-махсус билим юртларида талабаларнинг ўқув шароитларини янада яхшилаш, уларни рағбатлантиришга катта эътибор берилляпти.

Бир неча йиллардан буён аълочи ва фаол талабалар улуг ватандошларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Эшон Бобоҳон, Зиёвуддин қори номидаги стипендиялар олишди. Жорий ўқув йилида йигирма тўрт нафар талаба мазкур стипендияларга лойиқ кўрилди. Жамолиддин Мубинов (Кўкалдош), Ёқуб Бухорбоев (Мир Араб), Фароғат Маматшоева (Жўйбори Калон), Ихтиёр Абдурахмонов ("Сайид Муҳйиддин маҳдум"), Мадина Миржалилова ("Хадичаи Кубро"), Нурилло Носиров ("Фахриддин Розий"), Акбар Шукуров ("Хожа Бухорий") шундай талабалар жумласидандир.

**Акбар ДЎСТМАТОВ**

### **Йил ўқитувчиси танлови**

Апрелнинг йигирма бир, йигирма иккинчи кунлари Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги ўқув муассасалари мударрис ва мударрисалари ўртасидаги "Йил ўқитувчиси – 2009" кўригининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Кўрикнинг биринчи куни иштирокчилар эркин ижодий дарс ва услубий ишларидан намуналар, тайёрлаган кўргазмали қуроллари, жумладан аудио-видеотасма ва тасвирларидаги ишларини намойиш қилишди. Иккинчи куни эса диний илмлари, маънавий-маърифий йўналишда ижодий иқтидорлари ва педагогик маҳоратларини кўрсатишди.

Натижаларга кўра, мударрислардан Абдулазим Саидахмедов (Тошкент Ислом институти) биринчи, Олимжон Мазомов (Кўкалдош мадрасаси) иккинчи, Мустафо Абсоатов ("Хожа Бухорий" мадрасаси) учинчи ўринни қўлга киритишди.

Мударрисалардан Дилбар Раҳматовага ("Хожа Бухорий") биринчи, Нигора Усмоновага ("Хадичаи Кубро") иккинчи, Ойшахон Қодировага ("Жўйбори Калон") учинчи ўринлар насиб этди.

Танлов ғолибларига муносиб совринлар берилди, барча иштирокчилар Ўзбекистон мусулмонлари идораси, "Хидоят" журнали, "Ислом нури" газетаси ва "Мовароуннаҳр" нашриётининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Умид ХЎЖАЕВ**

### **"Баркамол авлод" мусобақалари**



Шу йилнинг 22-23 апрел кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги таълим муассасалари талабалари ўртасида "Баркамол авлод" дастури асосида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган спорт мусобақаларининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда талабалар спортнинг шахмат, тош кўтариш, стол тенниси, кураш турлари бўйича беллашишди. Мусобақа якунларига кўра, шахматда Дониёр Баҳодиров ("Хожа Бухорий"), тош кўтаришда Абдурахмон Идрисов (Тошкент Ислом институти), стол тенниси бўйича Толиб Мамажонов (Тошкент Ислом институти), курашда Рустам Холдоров (Кўкалдош) ғолиб бўлишди.

Умумий ҳисобда эса, Тошкент Ислом институти биринчи, «Хожа Бухорий» Ислом ўрта-махсус билим юрти иккинчи, Кўкалдош Ислом ўрта-махсус билим юрти жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Мусобақа ғолиблари Ўзбекистон Мусулмонлари идораси совринлари билан тақдирланишди.

**Жалолиддин НУРИДДИНОВ,**

*ЎМИ таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими мудир*

# ЎЗГАРИШЛАР МУЖДАСИ

*«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» муносабати билан йил давомида таҳририят ходимларининг вилоятларга ижодий сафарлари режалаштирилган. Бундан мурод, қишлоқларимиз ҳаёти ва муаммолари билан яқиндан танишиш, туманлардаги масжидлар ҳолати ва фаолиятини ўрганишидир. Апрельнинг иккинчи ярмида журнал ходимлари Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Муҳаммад Шариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм ва Навоий вилоятларига бориб қайтишди. Қуйида Қорақалпоғистон сафари таассуротлари билан танишасиз.*

Қорақалпоғистон деганимизда турғунлик йиллари киши тасавурида бир ёнда суви озайиб, тобора кичрайиб бораётган Амударё ва Орол денгизи, поёнсиз қум барханлари, иккинчи ёнда оғир табиий шароитлардан тинкаси қуриб, миллий қадриятлар ва диний эътиқодга эътибори хийла сусайган бир эл пайдо бўлар эди. Лекин Аллоҳ синовини бошдан кечираётган минтақа шаҳар ва қишлоқларида бўлганимизда бу тасаввурнинг аксини кўрдик. Тўғри, сув танқислиги туфайли Амударё ўзанлари торайиб, Орол денгизининг чегаралари анча олислаб кетгани ҳақиқат! Аммо қорақалпоқларнинг деҳқончилик ва чорвачиликда эришаётган ютуқлари, уларнинг миллий ва диний қадриятларни авайлаб асраётганлари, инсон учун муқаддас саналган имон, миллат ва Ватан тушунчаларига садоқатларини кўриб қувондик.

Бу ерда ким билан гаплашманг, одамлар онгида улкан ўзгаришлар бўлаётгани, имон-эътиқод халқ руҳига тобора сингиб бораётгани ҳақида сўз юритади. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистондаги бош вакили Қидирниёз ҳожи Алимбетов айтишича, истиқлол йилларида ўнлаб мас-

жид қайтадан очилди, янгилари қурилди. Кейинги йилларда қорақалпоқ тилида ҳам диний адабиётлар нашр этилгани, «Ҳидоят» журналининг қорақалпоқча чораклик иловаси чиқа бошлагани одамларни қувонтириб юборди. Советлар пайтидаги ягона



Мир Араб мадрасасига бутун Ўзбекистондан ўн икки талаба ўқишга қабул қилингани ҳолда ҳозир биргина Нукусдаги «Муҳаммад ал-Беруний» Ислам ўрта-махсус билим юртида юзга яқин йигит таълим оляпти. Билим юрти дархоналари шинам ва кўркам, унинг информатика хонасига замонавий компьютерлар ўрнатилган. Ахир бўлажак имомлар диний ва дунёвий билимлардан бирдай яхши хабардор бўлишлари керак-да.

Билим юрти мудирини Ислам Элмуродов имомларнинг билим ва савиясини тубдан ошириш ҳақида куйиниб гапириши бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳозирги вазият масжид имомларини ҳар жиҳатдан етук, билимдон, соф эътиқод учун фаол курашчи қилиб тар-



биялашни тақозо этмоқда. Бунинг нақадар долзарблигини бу ерда жуда яхши ҳис этишади. Негаки, бир неча йил бурун республикадаги шароитдан фойдаланиб қолишни

Шу пайт узоқдан рубоб кўтарган бир киши валасапид миниб келиб қолди. Тиломурод Ўрозбоев исмли шу ерлик киши экан. Уни гапга солдик, қалъа тарихи билан қизиқдик. Кўрганимиз “Чилпиқ қалъаси”нинг қолдиғи бўлиб, унинг девори баландлиги ўн тўрт метр, қутри (диаметри) ўн беш, айланаси икки юз қирқ метр экан. Иккинчи асрда қуришни бошлаб, тўртинчи асрда тугаллашган. Уни Амударё сувлари «чилп-чилп» юйиб турган, шу боис бу иншоот шундай ном олган. У асосан Қорақалпоқ диёри билан Хоразм ўртасида йўл кўрсатувчи маёқ, душман кўринганида хабар бериш манзили вазифаларини ўтаган. Кейинчалик оташпарастрлар бу ерга вафот этганларнинг жаса-

кўзлаган миссионерлар ўлкадаги фаолиятларини кучайтириб юборишган эди. Адашган, эътиқоди суист мусулмонларни турли йўллар билан алдаб, ўз тўрларига илинтиришга ҳаракат қилишди. Ҳозир адашганлардан кўпи хатоларини тушуниб, яна асл эътиқодларига қайтишмоқда.

дини чиқариб қўйишган, қузгунлар еб кетганидан кейин қолган суякларни куйдириб кўмишган. Ўн биринчи асрда бу ерга одамлар келиб яшашган.

Чимбой тумани ўлканинг машҳур ҳудудларидан саналади. «Чин бой» номини олган туман одамлари ҳақиқатан бошқаларга қараганда хийла бадавлат, тўқ яшашади. Ширинликда Чимбой балиғига тенг келадигани йўқ. Чимбой гуручидан палов емаган бирор ўзбек хонадони бўлмаса керак.

У рубобини қўлга олиб, “Узоқдан кепсизлар, сизларга қорақалпоқча бир куйлаб берайин», деди-да, бир қўшиқни ширали овозда айта бошлади. У хиргойисини тугатмай туриб, осмондан шаррос ёмғир қуйиб юборди. Бу ёмғир, назаримизда, раҳмат ёмғири эди, яхши кунларга далолат эди, улуг ўзгаришлардан бир мужда эди...

**Аҳмад МУҲАММАД**

Қишлоқларни моддий ва маънавий жиҳатдан янада равнақ топтириш мақсадида қорақалпоқ диёрида катта тадбирлар, яхши ташаббуслар режаланган. Қишлоқ масжидларини таъмирлаш ва обод этиш мақсадида вакиллик яхши ишлар қиляпти. Деярли барча қишлоқ масжидларида таъмирлаш, таҳоратхоналарни янгилаш ёки чиройли жиҳозлаш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Сафаримиз ниҳоясига етиб, машинамиз қум барханлари оралаб ўтган тасмадай йўлда шитоб келаётганида узоқдан қадимий бир қалъа кўриниб қолди. Қизиқсиниб, олдига бордик. Доира шаклидаги қалъа тепасига чиқиб, томоша қилдик. Анча наридан машҳур Амударё оқиб ўтарди.



# ИМОН КУШАНДАСИ

Бу ёруғ дунё бутун борлиги-ла мўъжиза. Ва бу оламда бахт-саодатнинг ўлчови ҳисобсиз. Агар чуқур тафаккур қилинса, мўъжиза ва бахт моҳияти бир ноёб ҳикматга — имон-эътиқодга бориб тақалади.

Инсон ожиз банда, янглишиш ва хатолар унга хос. Баъзан дўпписи тор келиб қолса, дўстини ҳам аямаслиги мумкин. Айрим бетайин кимсалар оиласидан-да воз кечади. Ҳаётда жон қутқариш илинжи ёки бойлик вазвасаси оқибатида Ватанини сотганлар ҳақида ўқиганмиз, эшитганмиз.

Аммо чинакам мусулмон одам ҳар қандай олтин-кумуш ё ҳар қандай шоҳона ҳаётга имонини, виждонини алишмайди.

Аслида, икки нарсанинг бебаҳолиги бизларга маълум. Булардан бири — Ватан, иккинчиси — имон! Бордию шайтон қутқуси билан, кўрқоқлиги ёки хою ҳаваси йўлида киндик қони томган юртни тарк этса, бундай одам виждонини ҳам Ватанига ташлаб кетади ҳисоб.

Имонга хиёнат эса... Алҳазар! Аллоҳ ҳеч бир мусулмон киши бошига бундай фожиани, катта фалокатни солмасин. Чунки Ватандан юз ўгирган бир дунёсини йўқотса, имонини сотган икки дунёсидан ажралади.

Имом Ғаззолий имонни беш буржли қалъага ўхшатади. Бу қалъага фақат бир ўғри — иблис мўралаши, тузоқ қўйиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Эсиз, имони заиф кишилар сўзамол, хушсурат, ҳимматли бўлиб кўринган одам қиёфасидаги шайтонни вақтида таниёлмай, унинг домига тушиб, сўнгра афсус-надомат ботқоғига ботишади.

Кези келганида комиллик йўли ва заҳмати тўғрисида қисқача сўз айтиш лозим. Ҳазрати Ғаззолийнинг бундай насиҳати бор:

“Имони мукаммал бўлишини истаган киши камтарин, тавозеъли бўлмоғи керак. Зотан, бу нарса мўминлик зийнатидир”. Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу) дейди:

“Кимда олти хил табиат жамланган бўлса, у жаҳаннамдан омон қолади, жаннатга тушади:

1. Аллоҳни таниб, Унга бўйсунса.
2. Шайтонни билиб, унга эргашмаса.
3. Ҳақни англаб, унга таслим бўлса.
4. Ботилни сезиб, ундан қочса.
5. Дунёни тушуниб, унга кўнгил бермаса.
6. Охиратни ўйлаб, унга ҳозир турса”.

Ҳасан Басрийнинг бу мавзудаги фикри эса

бизни тафаккурга чорлайди. У зот дейди: “Бирон киши сен билан дунёвий масалада тортишса, сукут сақла, лекин дин масаласида сўз очиб, сенга зарар келтириш нияти борлигини сезсанг, у билан муроса қила кўрма!”

Юрагимиздаги оғриқ ва изтироб, хавотир ва ҳадикнинг илдизи ҳам айнан шу ҳолатда кўринади. Зотан, Имоми Аъзамдай буюк зот мазҳабларига, аҳли суннат ва жамоат ақидасига таяниб умр кечираётган диндошларимиз орасида ҳам баъзи-баъзида имони заифлар кўзга ташланиб қолаётгани гоят хатарли ва ачинарли ҳол.

Халқимиз, ўрик ўрикни кўриб ола бўлади, дейди. Бир нодоннинг билиб-билмай йўлини йўқотиши бошқа бир кўнгли бўш кишининг адашувига олиб келиши мумкин. Шунга йўл қўймаслик учун имон-эътиқодда, бир-биримиздан хабардорликда фаолликни қўлдан бермаслигимиз керак.

Миссионерликнинг асл мақсадини ҳамма ҳам дарҳол илғаб олавермайди. Унинг ёсуманлиги, хавф-хатари ҳам шунда. Уларнинг муддаоси миллатлараро бағрикенглик, диний тотувлик тамойилларига мутлақо зид. Айримлар, миссионерлар одамларни насронийликка чақиради, деб хато ўйлашади. Аслида бу гуруҳ фақат диндан, имондан, алал-оқибат, одамгарчиликдан чиқаради, манкуртлик гоёсига хизмат қилади. Насронийларнинг ўзлари ҳам эътироф этмайдиган шубҳали секталар, оқимлар мустақиллик йўлини тутган мамлакатларга сездирмай кириб олишиб, ўзларининг ғаразли ниятларини рўёбга чиқара бошлашади. Мисол учун, истиқлолнинг дастлабки йилларида Андижон шаҳрида “Андижон-бизнес” ўқув маркази фаолиятини бошлаган эди.





Улар фарзандларимизга тил ўргатиш баҳонасида ҳар хил йўллар билан эътиқодига таъсир кўрсатишгани ўз вақтида пайқаб қолинди ва фаолиятига чек қўйилди.

Яна бир мисол. Миссионерлар Андижон шаҳрида ва айрим туманларда ногирон, қар-соқов кишиларни моддий ёрдам билан алдаб, насронийликни қабул қилдиришган, ҳатто ибодат маросимларини ўтказишга эришишган. Яхшики, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунига биноан бундай қонунсиз хатти-ҳаракатлар қилган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Шу ўринда масаланинг яна бир нозик томонига эътиборни қаратмоқчиман. Миссионерлар кўпроқ етим-есир ва ночорроқ оилаларни нишонга олади.

Яқинда бир воқеани эшитиб, гоят афсусландим. Айтишларича, оддийгина оилада мусибат юз беради: хонадон эгаси оғир касалликдан сўнг вафот этади. У хасталик чоғидаёқ рўзғори бироз чўкиб қолган экан. Кўмиш маросими ва кейинги маъракалар хотинининг мадорини қуритади.

Мана шундай шароитда унга бир роҳиба аёл “дуч келади”, ширин сўзлари билан дард тўла юрагига тасалли бериб, моддий ёрдам кўрсатади. Дунёвий ташвишлардан эзилган муштипар узоқ ўйлаб ўтирмай, фарзандлари билан насронийликни қабул қилади.

Бу ҳолатда, аввало, жамоат, маҳалла-кўй, гувоҳ ён-атрофидаги кишиларнинг хатти-ҳаракати, муносабати кўп нарсани ҳал этади. Наҳот биз шунчалар лоқайд, бепарво бўлиб қолган бўлсак? Наҳот мўминнинг мўминга чиройли нигоҳи ҳам туҳфа эканини унутган бўлсак?!

Эрта баҳор кунлари бир аёл ишхонамга келди. Айтишича, эр-хотиннинг топгани фарзандининг сиҳат-саломатлигини тиклашга сарфланибди. Энди мутахассислар болани Россияга – Москвага олиб бориш кераклигини айтишибди. Аммо бунга катта маблағ керак. Уйларини сотай дейишса, унга ака-укалари ҳам ҳақдор экан. Бу орада боланинг бир кўзи кўрмай, иккинчиси ҳам хиралаша бошлабди.

Мен ўша куни ўзим таниган, билганларга телефон қилдим, бир аёлга Аллоҳ йўлида ёрдам беришларини сўрадим...

Миссионерлик ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Андижон вилояти вакиллиги идорасида ҳам бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Маҳалла ва таълим ўчоқларида ўқувчиларнинг миссионерлик таъсирига тушиб қолмаслиги мақсадида “Миссионерлар қабоҳати”, “Исломи дини асослари” мавзуларида учрашувлар уюштирилди. Тегишли ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда адашишга мойил шахсларни аниқлаб, якка тартибда суҳбатлар ўтказдик. Шунингдек, жума мавъизаларида “Исломда ақида масалалари”, “Адашган оқимлар ва миссионерларнинг зарарлари” ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,**  
ЎМИнинг Андижон вилоятидаги вакили,  
вилоят бош имом-хатиби



## ШАРҚ МАДАНИЯТИ ГАВҲАРИ

Апрелнинг йигирма учинчи куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган анжуманда Тошкентнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олишга масъул ташкилотлар ходимлари мухбирларнинг саволларига жавоб беришди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Низомиддин Бахтиёров тантананага тайёргарликнинг саккиз йўналиши бўйича қилинган ишлар ҳақида сўзлади. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, тарихий ёдгорликлар, осори-атиқаларни асраш бошқармаси бошлиғи Равшан Мансуров, Мингўрик ва Чоштепада топилган янги тарихий ашёлардан анжуман иштирокчиларини хабардор этди.

Республика маънавият тарғиботи маркази Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Иброҳим Абдуғаниев Шошда ҳозиргача сақланган халқ амалий санъати, унинг халқаро миқёсдаги намойишларини шарҳлади.

Анжуманда Тошкент Исломи университети қошидаги “Зиё” студияси тайёрлаган “Тошкент Шарқ маданияти гавҳари” филми намойиш этилди.

**Мухбиримиз**

# ЯХШИЛИК АЖРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ёзувчи Носир ФОЗИЛОВ билан суҳбат

— Носир ога, хўп десангиз, “Ҳидоят” ўқувчиларига сизни маништирмоқчи эдик...

— Мен 1929 йили Туркистоннинг Кориз қишлоғида туғилганман. Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси яқинида яшаган Носирбой исмли кишининг кейинчалик советлар мусодара қилган уйида очилган мактабда савод чиқардим. Носирбой — Саидносир Миржалилов, ўтган аср бошида яшаган зиёлилардан, шўролар даврида бойлигидан ажралган. Аммо ўзи оқил, ниятлари холис эканки, юртдошлари ундан манфаат кўрди, орзуларини фарзандлари рўёбга чиқарди. Қизларидан бири — мусаввира, кимё олимаси, забардаст адибимиз мавлоно Ойбекнинг хотини Зарифа Саидносировадир. Унинг ўзбек фани ва маданиятига кўшган ҳиссасини яхши биламиз.

Бу мактабга мени бобом Йўлдош оқсоқол олиб келган.

Минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йили ўрта мактабни тугатиб, азим Тошкентга ўқишга оланганимда ҳам мени қўллаганлардан бири бобом бўлди. Мен Ўрта Осие университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факултетига ўқишга кирдим.

Ўқишни битириш арафасида ота-онамни Туркистондан Тошкент вилоятининг Олмазор қишлоғига кўчириб олиб келган эдим. Университетни тугатгач, бир муддат ўша ерда яшаб, таржима ишлари билан шуғулландим. Минг тўққиз юз эллик бешинчи йилнинг баҳорида қозоқ ёзувчиси Фабиден Мустафиннинг «Қарағанда» деган машҳур романининг таржимасини тугатиб, уни нашриётга олиб топширдим. Сўнг талабалик йилларим бир муддат яшаган қариндошимникига кетдим. Ярим соат ўтар-ўтмас орғимдан Олим Маҳкам исмли ёш ёзувчи сўроқлаб келди. “Сизни Саида опа ча-



қиряптилар”, деди. Саида Зуннова биздан икки курс олдин университетни битирганини билардим, лекин таниш эмас эдик.

Эртаси куни соат ўн бирларда Саида опа ишлайдиган (собик “Пионер”) “Гулхан” журнали таҳририятига бордим.

Саида опа мени илиқ кутиб олди: “Саид Аҳмад акангиз қамоқдан қайтди, энди мен у кишининг ёнида бўлишим керак. Бўлимни сизга топширишга қарор қилдим. Мана стол, мана қоғоз, мана қалам”, дедилар.

Ғалаги бўлиб кетдим. Бу ишни эплай олармиканман...

Шу-шу бўлди-ю, ҳаётим матбуотга боғланиб қолди.

— **Ёзув-чизувингиз... қандай бошланган?**

— Турсун Муҳаммад Аълам исмли катта бобом анча илмли, иқтидорли киши бўлган экан. Бухоро, Самарқанд, Тошкентда ўтадиган бедилхонлик, навоийхонликларда қатнашган, ўзи ҳам “Фурбатий” тахалууси билан шеърлар, мақолалар ёзган, ўша замоннинг бидъат-хурофотларига қарши чиқишлар қилган экан. (Дарвоқе, Тошкентда тошбосма усулида у кишининг уч-тўртта китоби чоп этилган.) Лекин университетда ўқиб юрганымда бобом ҳақида лом-лим демаганман, мулланинг авлоди экан деб зуғумга учрашдан қўрққанман. Кейинчалик излаб юриб, бобомнинг қўл ёзма

тўпламини топишга муваффақ бўлдим. Яхшигина ғазаллари, Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари бор экан. Фолбинларга қарши Куръони карим, ҳадиси шарифдан далил келтириб ёзган маърифий мақолалари бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган эканки, айримларини “Ҳидоят” журналида қайта бостиришга муяссар бўлдим. Адабиётга ҳавасим, қизиқишим шу бобомдан ўтган бўлса керак.

Адабиётга ҳақиқий маънода ихлос кўйишим, ҳикоялар қоралашим, таржимага қўл уришим университетда эллингинчи йилдан бошланди. Минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йили “Ирмоқ” номида биринчи ҳикоялар китобим чоп этилди. Ўша йили бир ҳикоям (“Иншо”) туркман тилига таржима қилиниб, “Дузме” деган номда Ашхободда китобча ҳолида нашр этилди. Шундан бошлаб ҳар йили, йилора китобларим ёруғлик юзини кўра бошлади. Бундай ўйлаб қарасам, қозоқчадан, қорақалпоқчадан, қирғизчадан кўп китоб ўгириб кўйган эканман. Таржима билангина ўралашиб қолмай, мустақил асарлар ҳам ёздим. Яратганга шукр, меҳнатларимни ҳукуматимиз ва жамоатчилигимиз муносиб тақдирлади. “Устозлар даврасида” деган китобимга Ўзбекистон давлат мукофоти берилди. Болалар адабиётидаги хизматларим Ёзувчилар уюшмамининг Ғафур Ғулом номидаги мукофотида лойиқ кўрилди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвонига, “Эл-юрт хурмати” орденига сазовор бўлдим. Одам ишласа, яхшилиқ қилса, ажрини олмасдан қолмас экан.

— **Сизнинг шахсингизда ҳам, ижодингизда ҳам қон-қардош, қўшни халқларни бир-бирига яқинлаштириш учун жонкуярлик кўрилади. Бунинг сабаби нимада?**



– Марказий Осиё заминиди яшайдиган қон-қардош туркий халқлар – ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман – барчасининг тили бир, дини бир, тарихи бир; сувимиз, еримиз туташ; тожик биродарларимизнинг тили бўлак бўлгани билан Юртбошимиз айтганларидай, “Биз икки тили бир халқимиз!” Демак, маданиятларимиз бир хил. “Туркистон – умумий уйимиз” деган гап тўқиб чиқарилмаган, бор ҳақиқат. Қозоқларда “Ўзбек ўз оғам” деган мақол бор. Демак, эт билан тирноқмиз. Этдан тирноқни ажратиб қўринг-чи? Қандай оғрийди?! Ёки қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси Абай “Насихатлар”ида элини ўзбеклардан ўрнак олишга чақиради.

*Носир оға шу гапларни айтиб турганда хонадонига бир киши уни йўқлаб келиб қолди. Қорақалпоқ ёзувчиси Муродбой Низонов экан. У устозига янги нашрдан чиққан “Охи-рат уйқуси” номли китобини тақдим қиларкан, ўзбек болалар шоири ва таржимони Турсунбой Адашбоев ўзбекчага ўгириб берсин деб бир неча шеър қолдирди... Муродбой Низонов Нукусдан Тошкентга бир ижодий иш боис шошилич келганини айтиб, “Оға, сизни кўрмасдан кетолмадим”, дея тезда ўрнидан турди.*

*У шоирдини кузатиб қайтгач, сўзида давом этди:*

– Ёзувчи одам яна бир нарса-ни яхши билиши керак. Адабиётлар халқларни бир-бирига яқинлаштиради, қон-қардошлигини эсига солади. Ғўзал асарлари билан ҳақиқатни англагани, тарбиялайди. Мен таржимон сифатида озми-кўпми тажрибага эгаман. Ҳамиша ҳам адабиётда ҳамма учун керакли мавзудаги асар пайдо бўлавермайди. Ўша зарур асар бошқа халқ адабиётида кўнгилдагидек ёзилган бўлса, нега уни таржима қилмаслик керак. Ахир у иккинчи бир халқ маънавиятини бойитади-ку! Бир-биримизни яқинроқдан таниш, аҳволи руҳиямиздан хабардор бўлиш ҳам адабиёт орқали қулай кечади. Бу қондош-қардош халқнинг иккиси учун ҳам фойдалидир.

**– Сиз устозлар мурувватини кўриб, шунга яраша эҳтиромингизни ҳам кўрсатган адибсиз. Ортингиздан адабиётга кирганлар эса бағрикенг ва жонкуярлигингизни эътироф этишади. Устоз-шоирлик ҳақида тўхталсангиз.**

– Шу савол баҳонасида устозларни эслаш кўнглимни чоғ қилади. Бу борада менинг толеим қулган. Битта-иккита мисоллар келтирсам. Минг тўққиз юз эллагинчи йили эди. Талабаман, кучим ичимга сиғмайди, исталган нарса-ни қотириб ташлайман деган кайфиятда юрардим. Ўшанда жуда ғўр фикрлаганимни орадан 50-60 йил ўтиб, энди сал-пал фаҳмлаётгандекман. Шунда Собит Муқоновнинг ёстиқдай келадиган уч жилдан иборат “Ҳаёт мактаби” номли романларини таржима қилмоқчи бўлиб, биринчи марта маслаҳатга атоқли шоиримиз Миртемир аканинг олдига бордим. Миртемир ака қалби жуда очиқ, беғубор одам экан. Биринчи кўришувдаёқ, “Ўзимиздан экансан”, дея яқин олди. Кўнглимни осмон қадар кўтарди. “Юр”, деб нашриётга олиб борди. Ҳозирги Алп Жамол банки ўрнида “Матбуотчилар” кўчасининг биқинида “Ўздавнашр” нашриёти биноси жойлашган эди. Шоир Шукур Саъдулланинг олди-га олиб кирди. Ниятимни айтди. “Жуда яхши, лекин ҳажми бир оз катта экан, – деди шоир ўйланиб. – Болаларга мос нусхаси тайёрланса, ёмон бўлмасди. Сиз муаллифга хат ёзинг, рози бўлса, бўлди”, дея маслаҳат берди.

Собит Муқоновдай улкан ёзувчи-га шошилич хат ёздим, жаво-би қандай бўларкин, деб орзиқиб кутдим. Хат келиб қолди денг. Талабалар ётоқхонасида “Собит Муқоновдан хат олдим”, дея қувониб, дўстларимга кўз-кўз қилганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Улкан адиб мени катта киши деб ўйлаган бўлса керак, хатини “Жўлдас” деб ҳурмат билан бошлаган, бу ишдан хурсанд ва розилигини айтиб, тез орада қисқартирилган нусхани етказишга ваъда қилган эди. Шу воқеанинг ўзи кўнглимни анча кўтариб юборди. Ўзимга ишончим ошди. Айниқса, устоз меҳри ва самимияти ҳаммадан кўра ишга рағбатлантирди. Ортимда тоғ тургандай ғайрат билан ишга киришдим. Шундай қилиб, Собит Муқоновнинг “Ҳаёт мактаби” романининг болаларбоп нусхаси собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб Ўзбекистонда, менинг таржимамда нашр қилинди.

Шундан бошлаб мен Миртемир акадан ажралмадим. Нима

ишга қўл урмай, у киши билан маслаҳатлашиб турдим. Нима қилиясан, дея доим суриштирар, кўнглимга тегмайдиган меҳр билан тергар, ҳалол, ҳақгўй, меҳнаткаш, кенгфёъл бўлишга ундар эди. Миртемир ака сабаб ўзбек адабиётининг ўша пайтдаги манамен деган даргалари билан танишдим. Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Ойбек ака. Улардан ҳам ҳаққини адо қилиб бўлмас кўп яхшиликлар кўрдим. Гўрлари нурга тўлсин ҳаммаларининг. Мана, бугун ўзим ҳам саксон ёшга кирдим. Яратганга беҳисоб шукур, ҳамиша яхши инсонларга йўлиқтирди, тарбияларидан баҳраманд этди.

Шундай экан, мен ўзимдан кейингиларга нега яхшилик қилмаслигим керак? Бировни нега тўғри йўлга йўллаб юбормаслигим керак?! Тақдирнинг инояти билан бугун ўзбек адабиётида ўз ўрнини топган Абдулла Орипов, Ўктам Усмонов, Саъдулла Сиёев, Йўлдош Сулаймон, Шукур Холмирзаев каби ижодкорларга озми-кўпми йўл-йўриқ кўрсатганимдан хурсандман. Уларнинг ютуғи менинг ҳам бахтим.

Бир воқеани айтиб берай. Саксонинчи йиллар эди. Абдулла Орипов “Гулхан” журналида бош муҳаррир бўлиб ишларди. “Мана буни бир бола Бухородан юборибди, шунга кўриб, хулосангизни айтсангиз”, деб қўлимга бир қисса-ни тутқазди. Ўқисам, жуда маъқул нарса ёзибди болалар ҳаётидан. Асар ҳақида ярим қоғоз фикримни қораладим. “Муҳтарам муҳаррир, мен ёш ёзувчи укамизнинг асарини кўриб чиқиб, қаноатландим. Болалар адабиёти дегани шунанга бўлиши керак. Уни нашрга тавсия этаман. Биламан, журнал ихчам, агар жой масаласи муаммо бўладиган бўлса, менинг “Меҳр ва қаҳр” деган қиссам чиқаётган эди, шунга олиб қўйиб, ўрнига Валижоннинг асарини берсангиз. Меники шошилич эмас, кейинроқ чиқар”, деб илтимос қилдим. Шундай қилиб, Вали Бобомуродовнинг биринчи қиссаси “Гулхан” журналида босилди. Одамлар менинг ишимни мардлик деб ёзишди. Бу ҳеч қанақа мардлик эмас, балки адолат эди.

**– Ёшликда киши беғубор, анчамунча содда ҳам бўлади. Шу боис баъзан воқеаларнинг сиртига**



**қараб баҳо беради. Шунчаки одатлар ҳам тасаввурида фазилатдай туюлади. Ёши улғулашган сари ёки баъзан аччиқ тажрибадан кейин асли сохтадан фарқлай бошлайди... Айтинг-чи, сиз инсондаги қайси фазилатни кўпроқ қадрлайсиз? Нима учун?**

— Ростгўйликни яхши кўраман. Ростгўйни қўллаш, вақтида тақдирлаш ҳам керак. Яхшиликни ҳамма ҳам қилавермайди. У гўзал тарбия, мардона юракнинг иши. Назаримда, ҳамма фазилатлар яхшиликни ният қилишдан, ниятни яхшилашдан туғилади. Каттани ҳурмат, кичикни иззат қилган, ота-онани, устозларни эъзозлаган кишига меҳрим баланд. Зеро, ҳурмат ҳам, иззат ҳам бир куни ўзига қайтади, қадрлаган киши қадр топади, эътиборли эътиборга сазовор бўлади.

Мен ёлгон гапирадиган одамни ёмон кўраман. Ёлгоннинг умри қисқа бўлади. Ёлгончининг иши унмайди, бир куни, муқаррар, юзи шувит, ўзи шармисор бўлиши тайин. Нафс бандаси бўлишдан Ўзи асрасин! Ўзини билагон ўйлаб, “ҳозир нима қилсам мумкин”, дея одоб-ахлоқимизга терс иш қиладиган, такаббур, худбин кимсалардан ҳам узоқ юраман.

— **Ҳар бир даврнинг ўзига хос вазифаси бўлади. Масалан, ўйлашимча, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи тугаган жойдан “Кеча ва кундуз” бошланганга ўхшайди... Демокриманки, ҳар бир даврнинг муҳим нуқтасига истегдодли адиб ўзига хос бир услуб ва қараш билан диққатни тортади...**

— Бунинг учун ёзувчида шахсий жасорат, фавқулодда истегдоддан ташқари шароит ва кўникма, даврни тез илғаш ҳам бўлиши керак. Мен ўзбек адабиётида Чўлпонлардан кейин пайдо бўлган ёрқин истегдодларнинг бири Ойбек деб биламан, у бошда “ёш Чўлпон” деб ҳам ном қозонган.

Менинг назаримда, Ойбек домла “Қутлуг қон” романини ўз икtidори имкониятидан бир оз сиқилиброқ ёзгандай туюлади. Негаки, бу совет даврининг дастлабки нафасини акс эттиришга бағишланган биринчи йирик асар эди. Шундай бўлса ҳам, ўша давр нарининг юксак намунаси деб ҳисоблайман. Ойбек домла ҳазра-

ти Навоий ҳақида роман бошлаб, биринчидан, давр мушкулотларидан халос бўлди. У ўн бешинчи аср муҳитида эркин қалам тебратди. Ойбек домла, Миркарим Осим сингари фидойи инсонлар оғир замонда ана шу йўл билан маънавиятимизга хизмат қилишган эди.

— **Бугун ҳақида гапиришингизни истардим...**

— Ҳозир Ойбегимиз йўқ, Фафур Фуломимиз йўқ, Қаҳҳоримиз йўқ, Миртемиримиз йўқ. Саид Аҳмад, Асқад Мухторлар ҳам йўқ. Одил ака, Пиримқул акалар кексайиб қолишди. Қани, ўшаларнинг ишларини давом эттирадиганлар борми? Потирлаб китоблар чиқяпти. Лекин уларнинг бадиий савияси қандай? Қайси нашриётга борсангиз, “Ҳомийингиз борми?” деб сўрашади. Китобнинг савиясини, миллат маънавиятига қай даражада хизмат қилишини ўйлаб кўрмаймиз.

Қодирий домла бир асарини ёзиш учун қайта-қайта Марғилонга борар, водийда ярим ойлаб қолиб кетар эди ёхуд отга миниб, далаларни кезар эди. Беҳудага Чўлпон “Кучоқ очиб халқ ичига борайлик”, демаган-да. Бугун шаҳардан чиқмасдан, китоб ўқиб китоб ёздиганлар бор. Шунинг учун ҳам асарида ҳаётнинг ичига киролмайди, руҳиятда кечадиган ўзгаришларни билмайди-ҳис қилмайди-да, бачкана, зерикарли, олди-қочди бир нарсани тўқийди...

Қолаверса, давр ўзгарди, мустақил бўлдик, бозор иқтисодиёти палласида яшаяпмиз. Миллат олдидаги хизматларимиз ҳам ўзгарди. Сохталаштирилган тарих фош бўлди, имон-этиқодимиз эркинликка чиқди. Асл қадриятларимиздан хабар топдик. Бундай шароитда кечагидек ёзиб бўладими? Шунга биз тайёрмизми? Мен, масалан, болаларга бирон-бир асар ёздиغان бўлсам, унинг руҳига киришим учун қанча вақт керак бўлади? Айниқса, кечаётган жараёнлар иллатми, фазилатлигини билиш учун ҳам маълум вақт ўтиши керакка ўхшайди...

Бу кузатувларим баҳонасида иккита фикрни айтишни истардим. Чиқаётган ҳар бир китоб савиясига нашриётлар ҳам масъул бўлсин. Фақат товар ёхуд ўзини кўз-кўз қилишни истаган китобларнинг нашрига йўл берилмасин. Бундай

саёз асарлар маънавиятимизга лат етказди, китобнинг, адабиётнинг қадрини туширади. Иккинчи гапим: ҳақиқий истегдод билан ёзилган асарларнинг муаллифлари ҳам бозор иқтисодиёти даврида бир оз ҳимояга олиниши керак.

— **Суҳбатимиз бошида яқинда қўлимга яна бир янги китобим тегди, дедингиз, сир бўлмаса, кейинги китобингиз ҳақида билишни истар эдик...**

— Раҳматли Саид Аҳмад аканинг хотира-эсселардан иборат “Топганларим ва йўқотганларим” деган китобини ўқиган бўлсангиз керак. Мени ҳам устозларнинг ҳаёти ва уларнинг ранг-баранг тақдирлари анчадан буён қизиқтириб келади. Бу мавзудаги китобларим аввал ҳам чиққан. Бу билан мақтанмоқчи эмасман. Фақат бир ҳақиқатни айтишни истардим.

Бундай ўйлаб қарасак, ўтган асрнинг бошида қизгин ва фаол ижод қилган Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир номларини, ижодларини бугун тез-тез тилга оламиз, аммо уларнинг шахсий ҳаёти, феъл-атворлари ҳақида кўп нарсани бизга қоронғу. Йигирманчи, ўттизинчи йилларда адабиётга кирган, улар билан ёнма-ён ижод қилган Ойбек домла, Фафур Фулом, Шайх ака, Миртемир акалар уларни билмаслиги мумкин эмасди... Чунки улар билан жуда яқин, дўст-биродар бўлишган, бироқ уларни тилга олишса, ўзлари ҳам қатағонга учрашидан чўчишган.

Йиллар ўтиб, яна бир авлод бизни тарк этди. Мен-ку тирикман. Ойбек акани кўрдим, Фафур Фулом билан бирга юрдим. Шайх аканинг таълимини олдим. Миртемир ака билан-ку, ота-бола бўлиб кетган эдик. Нима учун бу хотираларимни қораламаслигим керак? Бу хотираларни жамлаб, «Топдим-у, йўқотмадим» деб номладим. Бундай дейишимнинг маъноси шуки, мен уларни астойдил топдим, уларнинг руҳлари, миллатимизга қолдирган дурдона асарлари ҳамиша биз билан бирга. Уларни йўқотишга ҳаққим йўқ.

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**

*суҳбатлашди*



# ЎЗИМИЗНИ, ЎЗЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

“Кўзга чўп кирмасидан олдин эҳтиёт қил” мақоли бежиз айтилмаган. Унинг замирида ажодларимизнинг синчковлиги ётибди. Ҳозир кийиниш ва ўзини тутиш борасида оммавий гарбга кўр-кўрона тақлиднинг оқибати ташвишлантиради. Чунки бу ҳол маънавий қусурдан дарак беради.

Ўз даврида Абдулла Авлоний: “Кишилар туғилишдан ёмон бўлиб туғилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон қилади. Демак, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. Тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидир”, деб ёзган эди. Нега энди ўтмишда маънавият бешиги бўлган бу ўлка аҳли кийиниш ва юриш-туришда бошқаларга тақлид қилиши керак?!

Бу сўзлар замирида жуда тегран маъно бор. Фарб маънавият, маданият, сиёсат ва ҳатто жинсий ҳаёт масаласида ҳам “эркинлик” (бебошлик) тамойилларига амал қилади, бу нарса Шарқ назарида маданиятсизликдир.

Шахсий истак ва майлларни чегарасиз ифодалаш гарбда гуё демократия меваси сифатида баҳоланди, шахвонийликни тарғиб этувчи теле ва радиоканалларнинг “урчиши”га сабаб бўлди. Бузуқликни тарғиб қилувчи интернет сайтлари, одамфурушлик билан шуғулланувчи яширин фирмалар пайдо бўлди. Ачинарлиси — бугунги кунда одам савдосидан жабрланганлар

орасида аёллар кўпчиликни ташкил қилади.

Бир дўстимиз ана шундай аёллардан бирининг ҳикоясини айтиб берганида таъсирландим.

“Оиламиз каттагина эди. Ота-онамнинг топганлари мениннг ҳой-ҳавасларим учун гуё камлик қиларди. Дугоналаримга ўхшаб замонавий кийинишни истардим. Ҳаётимдан кўнглим тўлмайд юрган кунларнинг бирида Наташа исмли аёл менга хорижда ишлашни таклиф қилиб қолди. Иш унча оғир эмаслигини, бир-икки йилдан сўнг бемалол шоҳона яшай олишим мумкинлигини айтди. Мен ўйлаб ўтирмай рози бўлдим. Нега деганда, ўша пайт кўз ўнгимда тахлам-тахлам пуллар, жилоси кўзни оладиган зеб-зийнатлар, сериаллардаги бош қахрамонларнинг кийимларидан қолишмайдиган либослар пайдо бўлган эди. Йўл ҳаражатлари учун Наташа қарз бериб турди. Хориждан келгач, у билан ҳисоб-китоб қиладиган бўлдим.

Бироқ ўзга мамлакат аэропортидаёқ мен ўйлаган нарсалар сароб эканини тушуниб етдим. Ҳужжатларимни олиб қўйишди. Мен учун мўлжалланган иш фоҳишалик эди. Бу ерда “одам савдоси” даллоларининг сўзларига алданиб номусидан айрилган, аёллик, оналик бахтидан маҳрум бўлган кўп аёлларни кўрдим. Уйга, Ўзбекистонга қайтиб келгунимга қадар мен кўрмаган ситам қолмади. Энг ёмони, таносил касалликларининг оғир бир турига чалиниб қолдим. Энди шуни аниқ биламанки, ҳаётимни изга сола олган тақдиримда ҳам, ҳеч қачон фарзанд кўра олмайман”.

Бу воқеа бир инсоннинггина фожиаси эмас. Зеро, аёл тақдири миллат тақдиридир. Бу иллатнинг илдизи яна ўша ёт турмуш тарзларига тақлид қилишга бориб тақалади.

Албатта, бу масаланиннг биргина жиҳати. Динимиз эр кишиларга хос оғир касбларни аёлларга фарз қилмаган. Лекин аёлларнинг баъзи ишларини эр кишиларга хос ишлар билан тенглаштириб, уларга катта ажр-савоб берилишини таъкидлайди.

Ислоҳ ҳар қандай шароитда ҳам аёлнинг кийиниши, таомланиши, бошпанаси ва бошқа эҳтиёжларини эрнинг зиммасига юклаган. Ҳадисларда: “Агар таом есанг, унга ҳам едирасан, кийим кийсанг, унга ҳам кийдирасан...”; “Кишининг топган молини оиласига сарфлаши (нафақа қилиши) садақадир”, дейилади.

Бугун ўзини мусулмон санайдиган ҳар бир эр киши ана шу кўрсатмаларга риоя этиши, оиласи ва бола-чақаси нафақаси ҳақида қайғуриши керак. Мана шу ишларнинг машаққатига чидаган, сабр қилган, унга муҳтож бўлганларнинг сарфу харажатларини зиммасига олган инсонгина чинакам мўмин ҳисобланади.

Хуллас, сўнгги пайтларда, бизга тиқиштирилаётган “эркинликлар”нинг бошқа кўпгина жиҳатлари ҳам ҳаёт тарзимизга тўғри келмайди. Демак, ўзимизни, ўзлигимизни асрашимиз учун оилада, жамиятда бир-биримизга ғамхўр бўлишимиз, миллий-маърифий қадриятларга асосланган хушёр ҳаёт тарзини қарор топтиришимиз керак.

**Абдувоҳид ЎРОЗОВ**





# ТАЙЛАНД ҚИРОЛЛИГИ



Ҳозирги Тайланд заминиди милодгача бўлган даврнинг охири асрлари ва милод бошларида Менам Чао Прая дарёси жануби ва Сиам қўлтиғи соҳилларида монлар қабиласи макон тутган эди. Милоднинг биринчи-иккинчи асрларида унча катта бўлмаган илк монлар давлати пайдо бўлди. Еттинчи аср манбаларида йирик Дваравати (кейинчалик Лаво) давлати ҳақидаги маълумотлар учрайди. Худди шу даврда монлар давлати ҳукмронлигини Шимолий Тайланд ҳудудига ҳам жорий этди ва у ерда барпо этилган Лампун шаҳри монларнинг иккинчи давлати Харипунжайя пойтахти бўлди. Ўн биринчи аср

*Майдони:* 513. 115 кв.км.  
*Аҳолиси:* 62, 4 миллион киши.  
*Пойтахти:* Бангкок шаҳри.  
*Тузуми:* конституциявий қироллик.

*Давлат бошлиғи:* қирол.  
*Маъмурий тузилиши:* 73 вилоят (чангвада)дан иборат.

*Йирик шаҳарлари:* Чиангмай, Сонгхла, Саттахип.  
*Пул бирлиги:* бат.

бошларида кхмерларнинг Камбужадеша салтанати Лаво давлатини бўйсундирди. Монлар ва кхмерларнинг юксак маданияти тай халқлари маданиятининг шаклланишига катта таъсир ўтказди.

Тай қабиласи аждодлари милоддан олдин Юннан тоғликларини эгаллашган эди. Кейин жанубга юриш қилди ва тубжой аҳоли билан сингишиб кетди. Ўн иккинчи аср охири ва ўн учинчи аср бошларида Менам Чао Прая водийида йирик тай князликлари ташкил топди. Шундан кейин Тайланд ҳудудида хинаяна шаклидаги буддавийлик ҳукмронлиги бошланди. 1238 йилда тай князлари бирлашиб, кхмерларни мағлуб қилишди ва Сукотай давлатини тузишди. Бу давлат қирол Рамкамхенге даврида гуллаб-яшнади ва унинг вафотидан кейиноқ парчаланиб кетди. 1350 йилда Утонг князи Аютия шаҳрига асос солди ва пойтахтини унга кўчириб, ўзи Раматибоди номи билан тахтга ўтирди. Сиам номли янги давлат аста-секин Сукотай давла-



тининг қолган-қутганларини «ютиб юборди». Ўн тўртинчи асрда шакллана бошлаган Сиам феодал подшоҳлиғи бир аср давомида кучли давлатга айланди. Ўн олтинчи аср ўрталарида Сиам Бирма билан урушди, бирмаликлар Сиам пойтахти Аютияни босиб олишди. Ўн беш йил ўтгач бирмаликларга қарши миллий озодлик кураши бош-







ланиб кетди ва мамлакат хурликка эришди.

Ўн еттинчи асрда Сиамнинг турли мамлакатлар, хусусан, Оврупа ўлкалари билан савдо алоқалари кучайди. Бу эса гарб ва қўшни мамлакатларининг Сиамга кўз олайтиришларига сабаб бўлди. Шундан кейинги асрларда у Ҳолланда, Буюк Британия, Франция, Ветнам, Бирма, Япония каби мамлакатлар билан ўз мустақиллиги ва худудий яхлитлиги учун жанг олиб борди. Мамлакат ичидаги нотинчликлар ҳам халқнинг тинкасини қуритди. 1932 йилдан ҳозиргача Тайландда ўн етти марта ҳарбий тўнтариш бўлиб, ҳокимият қуроли кучлар қўлида бўлди. 1991 йилда қабул қилинган вақтинчалик конституцияга мувофиқ олий ҳокимият ҳозир Жамоат тартибини сақлаш миллий кенгаши қўлида.

Тайланд саноати ривожланган деҳқончилик ўлкасидир.

Бу ерда нефт кимёси, машина-созлик, тўқимачилик, металлни қайта ишлаш, семун ва қоғоз саноати анча тараққий қилган. Унинг заминидан волфрам, рух, қўргошин, марганес рудалари, сурма, нефт, табиий газ, қимматбаҳо тошлар қазиб олинади. Ёғочни қайта ишлаш ва каучук олиш корхоналари мавжуд. Қишлоқ хўжалигида ананас, банан, кокос ёнғоғи, кофе, зираворлар, шакарқамиш, маккажўхори, шоли, батат (ширин картошка), канопа ва пахта етиштирилади. Иқтисоднинг балиқчилик, чорвачилик, сабзавот етиштириш, сайёҳлик каби тармоқлари ҳам хийла ривожланган. Четга оғир машинасозлик ва кимё саноати маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар, каучук, газлама, кийим-кечак, электроника моллари, шакар, қисқичбақа, денгиз маҳсулотлари сотади. Четдан нефт, машина ва усқуналар, пўлат, темир, истеъмол моллари харид қилади. Япония, Сингапур, АҚШ, Тайван, Олмония савдодаги асосий шерикларидир.

Аҳолининг миллий таркиби ранг-баранг: 75 фоизини тайлар, 14 фоизини хитойлар, 3 фоизини малайлар, қолганини вьетнамлар ва кхмерлар ташкил этади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Тайландда Ислом динига қизиқиш бошланди. Ислом дини, асосан, Индонезия, Малайзия каби мусулмон мамлакатларнинг савдогар ва ишби-



лармонлари орқали кириб келди. Ҳозир мамлакатда 5 миллион мусулмон яшайди, бу миқдор жами аҳолининг саккиз фоиздан ортиқроғини ташкил этади. Қисқа давр ичида ўнлаб масжид ва Ислом марказлари очилди, тай тилида диний адабиётлар чоп этиш йўлга қўйилди. Тайланд жанубида Малайзия ёрдами билан шаҳзода Сонгхла университети қошида мусулмон мударрислар тайёрлайдиган институт ҳам иш бошлади. Озиқ-овқат сотиш бўйича жаҳонда ўн иккинчи ўринда турадиган Тайланд агросаноат мажмуаси олти мишдан ортиқ мусулмон мамлакатига покиза маҳсулотлар етказиб бермоқда.

#### Аҳмад ТУРСУН

Манбалар:

1. «Страны мира». Справочник, Москва, 2003 г. стр. 250-254.
2. «Атлас мира». Справочник, Москва, 2003 г. стр. 58-59.
3. Интернетнинг «Islam.ru», «Islamnews», «INA» сайтлари материаллари.



Бурҳонуддин МАРҒИНОНИЙ

# “ҲИДОЯ”

## Қудуқ ҳақидаги бўлим

«Қудуққа нажосат тушса, унинг суви батамом тортиб олинади ва унинг ичидаги сувни батамом тортиб олиш уни тозалаш бўлади».

«Агар қудуққа туя ёки қўй қийларидан бир ёки икки донаси тушса, сув ифлос (нотоза) бўлмайди».

Бу истиҳсон<sup>1</sup> юзасидандир. Қиёсга кўра, нажосат озгина сувга тушса, уни ифлос қилади. Истиҳсон асоси будир: саҳролардаги қудуқларнинг оғзида қопқоқ йўқ, ҳайвонлар унинг атрофида қумалоқлайди ва шамол қумалоқларни унинг ичига тушириб юборади. Шунинг учун ози, иложсизликдан, ҳисоб қилинмайди. Кўпида иложсизлик йўқ.

Идишга тушган оз нажосат, иложсизлик йўқлиги учун, уни ифлос (нотоза) қилади.

«Агар қудуққа каптарнинг ёки чумчуқнинг тегаги тушса, сувни бузмайди».

«Агар қудуққа қўй сийса, Абу Ҳанифа билан Абу Юсуф (раҳимаҳумаллоҳ) наздларида, унинг суви тамомича тортиб олинади».

«Агар қудуқда сичқон ёки чумчуқ ёки саъва ё қорашақшақ ё катта калтакесак ўлса, қудуқ-

дан, челақнинг катта-кичиклигига қараб, йигирма челақдан ўттиз челақчага сув чиқариб ташланади, яъни, сичқон олиб ташланганидан сўнг.

Бу ҳукм Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу) ҳадисига биноандир. У зот: «Қудуқда ўлиб қолган сичқонни ўша заҳоти олиб ташланса, қудуқдан йигирма челақ сув чиқариб ташланади», деганлар. Чумчуққа ўхшаш жониворлар жуссада сичқонга тенг келади, шунинг учун сичқонларнинг ҳукми унинг ҳукмига ўхшашдир.

Йигирма челақ сув, вожиб бўлгани юзасидан, вожиб. Ўттиз челақ сув, мустаҳаб бўлганидан олиб ташланади.

«Агар қудуқда каптар ё унга ўхшаш товук, мушук кабилар ўлган бўлса, ундан қирқ челақдан олтмиш<sup>2</sup> челақчага сув чиқариб ташланади».

«Ал-Жомийус сағир» китобида, «қирқ челақдан эллик челақчага» дейилган.

Бу очиқ, аниқ (азҳар)дир, чунки Абу Саид Худрий (розийаллоҳу анҳу) қудуқда ўлиб қолган товук ҳақида: «Агар қудуқда товук ўлган бўлса, ундан қирқ челақ сув тортиб олиб ташланади», деганлар.

Бу вожиб бўлгани учун, эллик челақ эса, мустаҳаб бўлгани юзасидандир. Сўнг ҳар бир қудуқнинг челақига қаралади. Баъзилар, бир соъ<sup>3</sup> сув сиғадиган челақда, дейишган. Йигирма челақ сувнинг ўрнига йигирма челақ сув сиғадиган битта катта идишда сув олиб ташланса ҳам, мақсад юзага чиққани учун, бўлади.

«Агар қудуқда қўй ё ит ё одам ўлган бўлса, ундаги ҳамма сув тортиб олиб ташланади».

Чунки Ибн Аббос ва Ибн Зубайр (розияллоҳу анҳум), замзам қудуғида бир киши ўлиб

қолганида ҳамма сувни тортиб олиб ташлашга фатво беришган.

«Агар ҳайвон қудуқда шишган ёки парчаланган бўлса, у ҳайвон хоҳ ката, хоҳ кичик бўлсин, унинг ҳамма суви тортиб олиб ташланади».

Чунки намлик<sup>4</sup> сув таркибига аралашиб кетган бўлади.

«Агар қудуқ ҳамма сувини тортиб олиб ташлаш мумкин бўлмайдиган булоқ бўлса, унинг ичидаги микдорча сувни чиқариб ташланади».

Буни билишнинг йўли: 1) қудуқ ёнидан унга ўхшаш чуқур қазилади ва у чуқур тўлғунича қудуқдан чиқарилган сув кўйилади; 2) ёки қудуққа бир қамиш тикилади ва сув етган жойига белги қилинади, сўнг қудуқдан, мисол учун, ўн челақ сув тортиб олиб ташланади. Кейин қамиш қайта тикилади ва сув қанча камайгани кўрилади. Ҳар бир микдор<sup>5</sup> учун қудуқдан ўн челақ сув тортиб олиб ташланади.

Бу икки йўл Абу Юсуфдан (раҳимаҳуллоҳ) ривоят қилинган. Муҳаммаддан (раҳимаҳуллоҳ) эса икки юз челақдан уч юз челақчага сув олиб ташланади, деганлари ривоят қилинган. У зот шаҳарларида кўрганларига асосланиб шундай деган бўлишлари мумкин.

«Агар қудуқда сичқон ёки ундан бошқани топишса ва қачон тушгани номаълум ва у шишмаган ва парчаланмаган бўлса, у қудуқдан таҳорат қилган бўлишса, бир кеча-кундуз намозини қайтадан ўқишади ва унинг суви теккан ҳар бир нарсани ювишади. Агар у шишган ёки парчаланган бўлса, уч кеча-кундуз намозини қайтадан ўқишади». Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шундай ҳукм чиқарганлар.

Абу Ҳанифанинг (раҳимаҳуллоҳ) далиллари бу: ўлимга очиқ сабаб бор — сувга тушиш. Демак, ўлим унга боғланади. Бироқ шишиш ва парчланиш кўп вақт ўтганини билдиради ва уч кеча-кундуз ҳисоб қилинади. Шишмагани ва ёрилмагани яқинда тушганига далилдир. Биз уни бир кеча-кундуз ҳисоб қилдик. Чунки ундан ози аниқлаб бўлмайдиган соатлардир.



## Сарқитлар ва бошқа нарсалар ҳақида

«Ҳар бир ҳайвоннинг тери унинг сарқити каби ҳисоб қилинган».

Чунки у иккиси<sup>6</sup> ҳам гўштдан чиқади, шунинг учун бири иккинчисининг ҳукмини олган.

«Одамнинг ва гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг сарқити тозадир». Чунки унга аралашган нарса сўлакдир. Сўлак тоза гўштдан чиққан, демак, у тоза.

«Итнинг сарқити нажасдир». Ит ялаганда идиш уч марта ювилади. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ит ялаганда идиш уч марта ювилади», деганлар.

Унинг тили идишга эмас, сувга тегади. Шунга идиш нажас бўлса, сув аниқ нажас бўлади. У ҳадис нажосатни ва ювиш сонини билдиради. Чунки итнинг сийдиғи текка нарса уч марта ювиш билан тоза бўлади. Унинг сўлаги сийдигидан енгил нажасдир. Теккан нарса уч марта ювиш билан аниқ тоза бўлади. Етти марта ювиш тўғрисида келган буйруқ Исломининг илк палласига оиддир.

«Чўқанинг сарқити нажасдир». Чунки, юкорида ўтганидек, чўққа асли нажасдир.

«Йиртқич ҳайвонларнинг сарқити нажасдир». Чунки йиртқич ҳайвонларнинг гўшти нажас. Сўлак гўштдан чиқади. Бу бобда шу ҳисоб қилинади.

«Мушукнинг сарқити тоза, лекин макруҳдир». Абу Ҳанифа билан Муҳаммаднинг (раҳимаҳумаллоҳ) далиллари будир: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мушук йиртқичдир», деганлар. Бунда ташқи кўриниши ва сурати эмас, шарый ҳукмининг баёни кўзда тутилган. Лекин айланиб юриши<sup>7</sup> боис нажосат<sup>8</sup> кетган, кароҳат қолган.

Бир ривоятда: «Мушук сарқитининг макруҳлиги гўштининг ҳаромлиги учун», дейилган. Яна бир ривоятда: «Нажосатдан сақланмагани учун», дейилган. Бу нарса мушук сарқитининг танзиҳий макруҳлиги-

ни<sup>9</sup> кўрсатади. Олдингиси ҳаромга яқинлигини кўрсатади.

Агар мушук сичқон еган заҳоти сув ичса, сув нажас бўлади. Лекин вақт бир оз ўтиб ичса, оғзини сўлаги билан ювган учун, нажас бўлмайди. Бу ҳукм Абу Ҳанифа билан Абу Юсуф (раҳимаҳумаллоҳ) наздларидадир.

«Бўш қўйилган товукнинг сарқити (макруҳ)дир». Чунки у нажосатга аралашиб юради. Агар тумшуғи оёғи остидагига етмайдиган қилиб қамаб қўйилган бўлса, нажосатга аралашиб хатари йўқлигидан, макруҳ бўлмайди.

«Ва йиртқич қушнинг сарқити (макруҳ)дир». Чунки у ўлган ҳайвонларни ейди. Абу Юсуфдан (раҳимаҳумаллоҳ): «Агар йиртқич қуш қамаб қўйилган бўлмаса ва эгаси унинг тумшуғида нажас йўқлигини билса, сарқити макруҳ бўлмайди», деганлари ривоят қилинади.

«Илон, сичқон каби уйларда яшайдиган жониворларнинг сарқити макруҳ». Чунки улар гўштлирининг ҳаромлиги сарқитларининг нажас бўлишига сабабдир. Аммо уларнинг айланиб юришлари сабабли нажосати кетган, кароҳати қолган.

«Эшак билан ҳачирнинг сарқити шубҳалидир».

Шубҳа у (сарқит)нинг тозалигидадир, дейилган.

Шубҳа унинг тозаловчилигидадир, чунки агар тоза сув топилса, бошини ювиши<sup>10</sup> вожиб бўлмайди, дейилган. Унинг тери, кўп бўлса ҳам, намозга зиён қилмайди. Шунингдек, сарқити ҳам. Бу энг тўғри (асаҳ)дир.

Шубҳалилигининг сабаби: унинг ҳаромлиги ва тозалиги

борасида далилларнинг бир-бирига зидлигида ёки саҳобалар унинг нажосатлиги ва тозалиги ҳақида турлича фикр билдиришганида. Абу Ҳанифадан (раҳимаҳумаллоҳ) нажосат ва ҳаромликни устун қўйиб, у<sup>11</sup> нажас, деганлари ривоят қилинган. Ҳачир эшакнинг наслидан, шунинг учун у қатори бўлади.

«Агар киши эшак ёки ҳачирнинг сарқит сувидан бошқа сув топа олмаса, у билан таҳорат қилади ва таяммум қилади ва у иккисидан<sup>12</sup> қай бири олдин қилинса ҳам, бўлаверади».

«Отнинг сарқити иккалаларининг (Абу Юсуф билан Муҳаммад) наздларида, тозадир».

Чунки унинг гўшти ейилади.

«Шунингдек, саҳиҳ ривоятда Абу Ҳанифа (раҳимаҳумаллоҳ) наздларида ҳам тозадир».

«Агар киши хурмо солинган сувдан бошқа сув тополмаса, Абу Ҳанифа (раҳимаҳумаллоҳ) у сув билан таҳорат қилинади, лекин таяммум қилинмайди, дейдилар».

Чунки Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) сув топа олмаганларида у билан таҳорат қилганлар.

Абу Юсуф (раҳимаҳумаллоҳ): «Таяммум қилинади, у билан таҳорат қилинмайди», деганлар. Бу ҳукм Абу Ҳанифадан (раҳимаҳумаллоҳ) ривоят қилинган.

Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ): «У сув билан таҳорат қилинади, таяммум ҳам қилинади». Чунки у ҳадис музтароб<sup>13</sup> ҳадисдир ва воқеанинг қачон бўлганида ноаниқлик бор. Шунинг учун эҳтиётдан иккисини ҳам қилиш лозим», дейдилар.

<sup>1</sup> Масаланинг кишиларга енгил томонини ҳукм қилиш.

<sup>2</sup> Қирқ челақ ва яна қўшимча йигирма челақ.

<sup>3</sup> Тахминан 4 литрга тенг.

<sup>4</sup> Шишган ё парчаланган ҳайвон намлиги.

<sup>5</sup> Қудуқдан ўн челақ тортиб олиб ташлангач, қамиш қайта тикилганида сув белгига қанча етмагани белгиланади ва биринчи белги билан қамишнинг сув остига етган учигача ундаги биринчи ва иккинчи белги орасидаги миқдор қанча эканлиги аниқлангач, ҳар бир миқдор учун...

<sup>6</sup> Сўлак ва тер. Матнда сўлак тилга олинмаган, лекин сарқит сўлак аралашган нарсадир. Шу боис «иккиси» дейилганида сўлак ҳамназарда тутилган.

<sup>7</sup> Уйларда.

<sup>8</sup> Мушук сарқитидан.

<sup>9</sup> Ҳалолга яқин.

<sup>10</sup> Шубҳали сув билан таҳорат қилган киши бошига у билан масҳ қилгани учун бошини қайтадан ювади.

<sup>11</sup> Эшак ва ҳачир сарқити.

<sup>12</sup> Таҳорат ва таяммумдан.

<sup>13</sup> Бир-бирига зид турли йўллар билан ривоят қилинган. Ҳукми амалдан тўхтаган (Муҳаммад наздларида).

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## ИКТ ёрдам беради



Ислом Конференцияси Ташкилоти бош котиби профессор Акмалиддин Эҳсонўгли Россия муфтийлар кенгаши (РМК) раиси Равил Файнуддинга мактуб йўллади. Мактубда шу йил 20 – 21 июн кунлари Москва шаҳрида бўладиган Қуръони карим ҳофизлари X халқаро танловини ўтказиш ишларида ИКТ ёрдам бериши маълум қилинган.

Мазкур халқаро танловда мусулмон мамлакатлари, шунингдек, Оврупа ва Африқо мусулмонлари ҳамжамиятларининг вакиллари ҳам иштирок этишади.

*РМК расмий сайти*

## Эстония Туркияни ёқлайди



Эстония Туркиянинг Оврупа Иттифоқига аъзо бўлиш йўлидаги интилишларини ёқлайди, ҳартарафлама қўллаб-қувватлайди. Туркиянинг Оврупа Иттифоқи билан музокаралари бўйича давлат вазири Эгаман Бағиш билан Истамбулда бўлган учрашуви чоғида Эстония ташқи ишлар вазири Урмас Паэт шу ҳақда маълум қилди.

Эстония ташқи ишлар вазири шу йил январ ойида Эгаман Бағишнинг мазкур лавозимга тайинланиши, шунингдек, мамлакатни ОИ аъзолигига тайёрлаш бўйича ислохотлар

миллий дастури қабул қилиниши масаланинг ҳал этилишига ижобий таъсир кўрсатади, дея таъкидлади.

*“ERRnovosti”*

## Марказий Осиёга қизиқиш

Москва шаҳрида “Россия – Ислом олами” истиқбол тадқиқотлари марказида “Марказий Осиё жаҳон сиёсатида энг муҳим нуқта” мавзуйида навбатдаги анжуман бўлиб ўтди. Марказ президенти Шомил Султонов фикрича, бугунги кунда геосиёсат нуқтаи назаридан қаралса, Марказий Осиё Хитой, АҚШ ва Оврупа манфаатлари юзма-юз келадиган минтақадир.



Ҳозир йирик мамлакатларнинг Марказий Осиёдаги хомашё манбаларига қизиқишлари кучайган. Айтиш жоизки, Марказий Осиё исломий тамаддун марказларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳозирги босқичда Марказий Осиё мамлакатларида исломий мўътадилликни, бағрикенгликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожлантириш жуда муҳимдир.

*Islam.ru*

## Ҳиллари Клинтон айтганлари

АҚШ давлат котиби Ҳиллари Клинтон, бундан буён Обама маъмурияти 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг собиқ президент Буш муомалага киритган “террорга



қарши уруш” атамасини ортиқ ишлатмайди, деб баёнот берди. АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Афғонистон муаммолари бўйича Гаага шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуман олдидан ана шу ҳақда маълум қилди.

Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам АҚШнинг собиқ раҳбарияти халқаро қонунларга зид ҳаракатларини мана шундай сохта атамалар билан оқлашга уринганини таъкидлашган. Уларнинг фикрича, бу атамани қўллашда “ким биз билан бўлмаса, у бизга қаршидир” фалсафаси асос қилиб олинган.

“Reuters”

### Уго Чавес чақириғи



Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Доха шаҳрида араб ва Жанубий Амриқо давлатлари иккинчи анжумани бўлиб ўтди. Анжуман арафасида Венесуэла президенти

Уго Чавес араб давлатларини Лотин Амриқоси мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишга чақирди.

Уго Чавес орадаги масофа узоқ бўлса ҳам, ҳар икки минтақа ўзаро савдо-сотик ва пул ётқизишни ривожлантиришдан фойда кўришини айтди. “Араб ва Лотин Амриқоси мамлакатлари муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро иттифоқдошлик даражасига кўтариш вақти келди”, дея таъкидлади Венесуэла президенти. Шунингдек, у “Ал-Жазира” телеканалига берган суҳбатида Венесуэланинг Эрон билан алоқалари ривожини юксак баҳолади.

“Ислам в РФ”

### Алгамбра ёзувлари ўрганиляпти



Тадқиқотчилар бир неча асрлардан бери Испания жанубидаги Гранада ўлкасининг мусулмон ҳукмдорлари саройи (XIII аср) ва қадимий масжид

деворларидаги эски ёзувларни ўрганишга қизиқиб келишади. Ҳозир мутахассислар сайёҳлар эътиборини тортаётган мазкур ёзувларни замонавий техника, асбоб-ускуналар ёрдамида тасвирга олиш ва таржима қилиш-

га киришишган. Мазкур тарихий ёзувлар орасида “Аллоҳдан бошқа ғолиб йўқ”, “Кам гапирсанг, хотиржам яшайсан”, “Неъматга шукр қил, Аллоҳ сенга мадад беради” каби ҳикматли иборалар кўп учраши аниқланди.

Тадқиқотчилар жорий йил охиригача тарихий ёзувларнинг 65 фоизини ўқиб, испанчага таржима қилишни режалаштиришган. Лойиҳада белгиланган ишлар 2011 йилга бориб тўла яқунланади.

“IslamOnline”

### Барак Обама: “Мусулмонларни ҳурмат қиламиз...”

АҚШ президенти Барак Ҳусайн Обама Туркияга расмий сафари чоғида мамлакат парламентида сўзга чиқиб, фақат АҚШ билан Туркия эмас, балки Амриқо билан бутун Ислом олами ўртасида



ишончни тиклаш ниятида экани таъкидлади. “АҚШ ҳеч қачон Ислом билан урушмайди. Биз неча асрлардан буён бутун жаҳон, жумладан, мамлакатимиз ривожига ҳам катта ҳисса қўшиб келаётган Ислом дини ва мусулмонларни чуқур ҳурмат қиламиз. Амриқолик мусулмонлар Қўшма штатларни бойитишди. Кўп мусулмонлар амриқоликларнинг оила аъзолари бўлишди, мусулмон мамлакатларда яшаётган амриқоликлар ҳам оз эмас. Мен буни яхши биламан, чунки ўзим уларнинг бириман”, дея таъкидлади Барак Обама.

АҚШ президенти ўз нутқида расмий Вашингтон Туркияни асосий иттифоқдошларидан бири деб билишини, мамлакатнинг Оврупа Иттифоқига аъзо бўлиш ниятини қўллаб-қувватлашини бир неча бор таъкидлади.

Calcuttanews

### Малайзияликлар ҳиммати

Малайзия-Камбожа муносабатлари кенгаши Камбожада мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий мақомини юксалтиришга



яқиндан кўмаклашадиган, шу мақсадда мамлакатда бир қатор махсус муассасалар ташкил этадиган бўлди.

Кенгаш раиси Моҳд Наҳае Аҳмад айтишича, Камбожада энг олдин Салангор шта-тидаги (Малайзия) Ислом халқаро таълим муассасасининг филиали очилади. Шунингдек, кенгаш камбожаликларнинг муборак ҳаж ва умра сафарига бориш-келишларини ташкил этишда ҳам кўмаклашади.

Моҳд Наҳае Аҳмад яқинда Камбожа меҳнат вазири, мамлакат мусулмон тараққиёти ташкилотининг раҳбари Усмон Ҳасан билан учрашди. Учрашувда иқтисодиёт ва таълим масалаларида ўзаро ҳамкорлик бўйича учта шартнома имзоланди.

Ҳозирги кунда 700 минг нафардан зиёд Камбожа мусулмонлари жамоаси мамлакат аҳолисининг 4 фоизини ташкил этади.

### Доха фестивали



Қатар бош шаҳри Доҳада “Ал-Жазира” телеканалининг бешинчи халқаро ҳужжатли кинофестивали ўтказилди.

Фестивал голиби – ҳиндистонлик режиссёр Сурав Сарангий тўламетражли филми учун 50 минг қатар риёли миқдо-рида мукофот олди. Унинг 88 дақиқали киноасари Калкутта шаҳри камбағаллари ҳаётидан ҳикоя қилади.

Хитойлик режиссёр Гуояо Ву Нақси уруғи ҳаёти ва анъаналари ҳақида суратга олган асар энг яхши ўртамметражли филм деб тан олинди.

### “EMIN.TV” тақдимот маросими



Шу йилнинг 20 апрел куни Москва шаҳрида биринчи Оврупа Ислом интернет-телевидениясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда оммавий ахборот воситалари соҳаси мутахассислари, Ислом ташкилотлари ва тижорий ҳамкорлик ҳамжа-

мияти вакиллари, шунингдек, қатор Оврупа ва Ислом мамлакатларининг элчилари иштирок этишди. Тармоқ ташаббускорларидан, Испания Ислом уюшмаси сўзчиси Юсуф Фернандуз Оврупа Ислом медиа тармоғини (European Media Islamic Network) ташкил этиш ва унинг мақсадлари ҳақида гапириб берди. Лойиҳа директори йиғилганларни “EMIN.TV” билан батафсил таништирди. “Россия – Ислом олами” истиқбол тадқиқотлари маркази раҳбари Шомил Султонов мазкур лойиҳа Оврупа мусулмонлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Оврупанинг турли мамлакатларидаги йигирмадан ортиқ етакчи сайтлар “EMIN.TV” тармоғига киришди. Тармоқнинг бош штаби Мадридда, телелойиҳалар маркази эса Москва шаҳрида жойлашади.

### Украина мусулмонлари олий органи

Яқинда Украина Миллатлар ва дин ишлари бўйича давлат қўмитаси, мамлакат мусулмонлари диний бошқармалари ва марказлари вакиллари кенгашининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Қрим мусулмонлари диний бошқармаси, Украина мусулмонлари диний бошқармаси, “Киев муфтияти” ташкилоти раҳбарлари, миллатлар ва дин ишлари бўйича қўмита раиси Александр Саган ва бошқа масъул кишилар иштирок этишди.



Мажлис қатнашчилари Украина мусулмонлари диний бошқармалари ва марказлари вакиллари кенгаши тўғрисидаги қоидалар лойиҳасини тинглашди ва тасдиқлашди. Мазкур Кенгаш Украина Ислом ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришга, уларнинг ўзаро мулоқотларини, ҳамкорлигини ривожлантиришга, мамлакат мусулмонлари манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилади.

Кенгашни унга аъзо бошқарма ва марказларнинг раҳбарлари бошқаришади. Қрим мусулмонлари диний бошқармаси муфтийи Амиралли Аблаев бир овоздан Кенгашнинг илк раиси этиб сайланди.





### Ирқчиликка қарши анжуман

Швейцариянинг Женева шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ирқчиликка қарши кураш бўйича иккинчи анжумани бўлиб ўтди. Хабарларга кўра, Исроил, АҚШ, Канада, Австралия, Ҳолландия, Олмония, Италия, Янги Зеландия вакиллари ушбу анжуманда иштирок этмасликка қарор қилишган.

“За справедливую политику” жамғармаси ижрочи директори Владимир Пономарёв айтишича, анжуманда 192 мамлакат вакиллари иштирок этишди. Шу боис 8 мамлакатнинг анжуманга қарши чиқиши ҳеч нарсани ўзгартирмайди.

Анжуман Женевадаги Миллатлар саройида ўз ишини бошлади. Уни очиш маросимида сўзга чиққан БМТ Бош Котиби Пан Ги Мун исломофобия (Ислом динини ва мусулмонларни ёмонотлиқ қилиш) ҳам ирқчиликнинг бир кўринишидир, дея баёнот берди.

Эслатиб ўтаман, БМТнинг ирқчиликка қарши кураш биринчи халқаро анжумани 2001 йили Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида ўтказилган эди.

*Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.*

# АБДУЛКАРИМ ШАҲРИСТОНИЙ

Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний 467/1075 ёки 479/1086 йили Хуросон шимолидаги Шаҳристон шаҳрида туғилган<sup>1</sup>.

Ёшлигида тажвид, араб тили ва адабиёти, тафсир, математика ва мантиқдан яхши сабоқ олади. Сўнг Хоразмга бориб, у ерда муҳаддис Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Маданий Найсобурийдан ҳадис илмини, Абул Музаффар Ҳаворий билан Абул Қосим Фотимийдан фикҳни ўрганади<sup>2</sup>.

Шаҳристоний Хоразмда бир неча йил турганидан кейин Нишопурга бориб, Имом Ғаззолийнинг дўсти фақиҳ Аҳмад Ҳавофий билан Абу Наср Қушайрийлардан фикҳ бўйича дарс олади. Кейинчалик Абу Наср Ансорийдан калом, жадал илмларини ўрганади. Шаҳристоний “Ниҳоятул Иқдом” асарини устозига туҳфа тарзида битган<sup>3</sup>.

“Кашфуз Зунун” асарида келтирилишича, Шаҳристоний илм излаб кўп саёҳат қилган. Хуросон ва Хоразмнинг ҳамма жойларини айланиб чиққан. Ҳижрий 510 йили ҳаж сафарига чиқади. Ҳаждан қайтаётган, Бағдодда тўхтади ва “Низомия” мадрасасида уч йил дарс беради<sup>4</sup>.

Шаҳристоний яна Хуросонга қайтади, салжуқийлар султони Санжарнинг вазири Абул Қосим Муҳаммад ибн Музаффарнинг хизматига бел боғлайди. Алломанинг “Ал-милал ван ниҳал” асари шу вазирга туҳфа тарзида ёзилган.

Манбаларда келтирилишича, алломанинг “Ал-Мусораъа” асари Термиз шаҳрида битилган<sup>5</sup>.

Аллома ҳаётининг охириги йилларини ватани Шаҳристонда ўтказган. Шогирди Самъоний унинг 548/1153 йили вафот этганини қайд этади.

Шаҳристоний бир неча китоб ёзган.

“Ал-Милал ван ниҳал” асари Ислом оламида анча машҳур, атоқли олимлар уни эътироф этишган. Абдулкарим Самъоний “Ал-Ансоб” асарида ва Сайфиддин Омидий “Абқорул Афкор” асарида Ислом мазҳаблари мавзусида “ал-Милал ван ниҳал” асарига муножаат этишганини ёзишган.

Мазкур асар кўл ёзма нусхалари Россия, Туркия каби бир қанча чет эллар кутубхоналарида сақланмоқда. Китоб Лондон, Лейпциг, Қоҳира, Техрон каби шаҳарларда нашр ҳам этилган<sup>6</sup>.

Тадқиқотчилар ёзишича, Шаҳристонийнинг йигирмага яқин асари бизгача етиб келмай, йўқолиб кетган. Бу асарлар тафсир, фикҳ, калом, тарих каби мавзуларни қамраб олган.

**Толибжон НИЗОМ,**  
*тадқиқотчи*

<sup>1</sup> Тождидин Субкий. “Табақот ашшофеъия ал-Кубро”. Байрут. 1999. 5-ж.

<sup>2</sup> Ибн Ҳаллиқон. “Вафоёт ал-аён”. Байрут. 1998.

<sup>3</sup> Абдулкарим Шаҳристоний. “Ниҳоят ал-Иқдом фи илм ал-калом”. Лондон, 1934. 38-б.

<sup>4</sup> Хожа Халийфа. “Кашф уз-Зунун”. Байрут, 1992 й. 1-ж. 57-295-б.

<sup>5</sup> Юсуф З. Йорукан. “Шаҳристоний”. Истанбул, 1926, 272-б.

<sup>6</sup> Муҳаммад ибн Тавит ат-Танжий, V/1-4. 1956, 3-б.



# ИЛК ҚАДАМ

Журналнинг «Аёллар саҳифаси»ни кузатиб бораман. Аёл қисмати, табиати, унинг ўзига хос томонлари хусусида бир неча мақолани ўқиб, анчайин таассурот ва ибрат оламан. Мана шу турткилар ушбу мақолани ёзишимга сабаб бўлди. Яратганнинг ўзи шу воқеа сабаб айрим қизларга инсоф берса ажабмас...

Бундан икки йил олдин. Битирув имтиҳонларини топшириб юрган кезларим. Бир ёқда диплом ҳимояси, бир ёқда турмуш масаласи. Бу ташвишлардан у ёқдан-бу ёққа олиб-югураман. Гоҳида овқатланишни ҳам унутиб қўяман. Йўлда кетаётсам, дугоналаримдан бири, у-бул нарса еб ол, ҳали кўп югурасан, дея ҳазиллашгансимон кўлимга егулик тутди. У билан суҳбатлашиб уйга бирга қайтдик. У яқинда фарзандлик бўлган, ҳар қалай у мендан анча илгарироқ турмуш қурган, ҳаёт тажрибаси ҳам кўпроқ. Мени назаримда, қизларимиз ичида энг бахтли аёл эди у! Унга ҳавас ила тикилиб:

— Сен нақадар бахтлисан, дугонажон! Чиройли уйинг, ҳавас қилгудек оиланг, ўғлинг бор. Хуллас, кам-кўстинг йўқ... Менинг олдимда эса бир қанча синовлар турибди. Бировнинг хонадонига келин бўлиб боришни ўйласам, кўрқиб кетаман. У ерда, ойим айтмоқчи, «тошдек қотишим» керак... Уларнинг оиласи жуда ҳам оддий экан. Мен бадавлат оиланинг келини бўлишни хоҳлаган эдим, — дедим.

У ним табассум ила, менга:  
— Аслида, сен мендан бахтлироқсан. Қандай оилага келин бўлаётганингни, улар қандай одамлар эканини жуда яхши биласан. Мени эса... ойим кўшнларнинг мақтовига ишониб, билиб-билмай, танимаган-билмаган оилага узатдилар... — деди.

Дугонамнинг бу сўзларидан ҳайратда қолдим. Ахир у орамиздаги «энг бахтли аёл» эди-да!

— Сен кўрқма! Нимадан

кўрқасан? Оддийликданми? Билсанг, ўша оддийликда хотиржамлик, тинч-тотувлик бор. Аллоҳга таваккул қил... Мен тўйдан бир неча кун ўтмаёқ эрим героин истеъмол қилишини билиб қолдим. Янги келинман. Эҳ-ҳе... Қанча-қанча орзуларим бор эди. Бир зумда дунё кўзимга тор бўлди. Кимга дардимни айтай. Ойимгами? Ёлғиз боши билан боққанлари учунми, тўқ жойдан келди, сени ёқтириб қолишибди, дея қувониб-қувониб узатган жойларидан қандай шикоят қиламан? Сингилларимни узатиш ташвиши шундоқ ҳам қадиларини буккан. Ёки университетга келиб қизларга айтайми? Йўқ, дугонажон, бунақа дардни бировга айтолмайсиз. Сенга айтишимнинг боиси эса, бораётган жойингни яхши билгин, бўлажак умр йўлдошингни яқиндан танигин дейман...

У кўзларидан оққан ёшни сидирди. Уни, яқин дугонам бўлатуриб, шу вақтгача билмаганим, кўнглига қўл солмаганим учун ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Билагидан тортиб, йўлка четидаги ўриндиққа олиб бордим. Миямда ҳалидан бери чарх уриб айланаётган саволга жавоб топмоқчи бўлиб:

— Унда қандай қилиб болали бўлдинг? Болангнинг аҳволи қанақа? — деб юбордим. Биламан, ўшанда бу саволни бериш мавриди эмас эди, аммо... У бу қизиқишимнинг сабабини тўғри тушунди.

— Ҳамма нарсага чидаб, ўша бой оиланинг хизматкори бўлдим. Эрим менинг билиб қолганимни билгач, уйдан кетиб қолмаслигимни ёлвориб сўради. Кетиб қолсам, баттар бўлишни қайта-қайта таъкидлади. Кунлаб, ҳатто ойлаб йўқ бўлиб кетарди. Уни ҳеч ким қидирмас, уйдагилар эса бунга кўникиб қолишган эди. Қайнонам ўғлининг аламини мен-

дан олиб, деярли ҳар куни жанжал қиларди. Энг ачинарлиси, бу ҳақда ойимга ҳанузгача ҳам бир сўз айтишга ботинолмасдим. Бир куни ҳомиладор бўлганимни билдим. Биласанми, бунчалик тушкунликка, кўрқинчга ҳаётимда ҳеч қачон тушмаган эдим. Вужудимдаги боламнинг тақдири мени жинни қилаёзди. Кечқурунлари азоблардан тўлғониб чиқаман: тўққиз ой кўтариб, бағримда ўстирсам-у, туғилгач, у ногирон бўлса?! Дунёга келиб, мендан бу ҳақда сўраса, нима дейман? «Отамнинг шундай эканини билатуриб, нима учун ажрашмадингиз?» деса, қандай сўзлар билан ўзимни оқлайман? Унинг, дадасининг соғлигини, камолини тилаб, Парвардигорга юкиндим. Вужудимдаги даҳшатли кўрқув яширингандай бўлди. Қалбим осойиш топди. Ой куним етиб, ўғил кўрдим. Алҳамдулиллаҳ, унинг тўрт мучаси соғ эди! Яратганнинг мен оғизга кўрсатган марҳамати бу! Аммо унинг, дадасининг келажакдаги аҳволи қандай бўлади? Тоқатим, бардошим қачонгача етаркин? Буни билмайман... Мана сенга билиб-билмай қўйилган қадамнинг оқибати! Болаларининг тўқ яшаш илнжидида ўйламай қилинган катталарнинг хатоси!

Дугонам ўйга толиб қолганимдан хижолат тортиди, шекилли, кулиб ўрнидан турди-да, кўлимдан тутди. Унга индамай эргашдим. Иккимиз ҳам йўл бўйлаб жим кетдик. Ниҳоят, хайрлашадиган жойимизга етгач, бир-биримизга қарадик.

— Унақа кўп ўйланаверма. Фақат, турмуш бўсағасида кўядиган илк қадамни сен ва сенинг атрофингдагилар тўғри босишса, у ёғи, Худо хоҳласа, кўнгиладигдек бўлади...

Мени кучоқлаб, хайрлашди. Жуда чиройли табассум қилиб, мендан узоқлашди. Шу он менинг ҳам юзларимга табассум югурди.

**НИЛУФАР,**  
Тошкент шахри





## Бахт қадри

"Бахт гойибдан бериладиган неъмат бўлса ҳам, уни асраб-авайлаш, қадрига етиш керак! Уни қўлдан бой бермасликка интилинглари. Бунинг учун ўрган-гизда ўзаро меҳр, ҳурмат, баҳамжиҳатлик ва сизларга берилган бахт учун шукроналик бўлмоғи зарур..."

Эр-хотиннинг турмуши ҳар кунги қийинчиликларни енгишдан иборат. Қийинчиликлар келганида чидаш керак. Уйда бир марта жанжал бўлса, иккинчи марта такрорланиши қийин эмас. Оила, рўзгор масалаларида ниҳоятда донишманд бўлган Абдулла Қаҳҳор айтган эдилар: "Аёл билан эркак ўртасида парда бўлиши керак. Шу парда йиртилса, бўлмайди".

Тўғри, ҳаётда яхши-ёмон гаплар бўлади. Лекин одам ўзини тўхтата билиши керак. Икки одам бу дунёда бир-биридан яқинроқ одамлар йўқлигини эслаб туриши керак. "Эр-хотиннинг уриши - дока рўмолнинг қуриши" дейишади. Бу дегани, уришавериш керак, деган гап эмас. Битта катта халта қилиб қўйиб, ўшанга ичдаги ҳамма гапларни ташлаб кетавериш керак..."

**Озод ШАРАФИДИНОВ,**  
*Ўзбекистон қаҳрамони*

## Адабнинг илиги

Адаб — одамийликнинг ўзаги. Балки одамийликнинг бари бошдан-охир адабдан иборат. Адабнинг илиги эса - ҳаё. Илик қуриган ерда ҳаё бўлмайди. Аристотел: "Агар кишига уят, ҳаё етишмаса ёки булар унда умуман бўлмаса, унинг бети жуда қаттиқ; ўртача йўл тутувчи киши эса, ҳаёлидир", дейди.

\* \* \*

Ҳаё ҳам, ундан кўра кенгроқ тушуниладиган уят ҳам қалбнинг маҳсули. Ҳар бир халқнинг ҳаётида бу тушунчалар борасида поёнсиз тажриба конлари қазилган, дур-жавоҳирлар қазиб олинган. Шуниси ҳам борки, ҳаёни кўпроқ хотин-қизлар, бола-бақра, ёшлар хулқининг мулки деб қаралади. Машҳур бир шоиримиз айтганидай ҳаё: "Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат" дир.

\* \* \*

Бизга ато этилган табиатда ҳар бир нарса ўлчовлик! Ҳар бир нарса ҳарир пардага ўралган! Ҳар бир нарсанинг ўз ҳимояси яратилган! Энг ялангоч бўлиб кўринган нарсаларнинг ҳам пардаси мавжуд. Кўрган кўз кўради. Кўрмаган кўз кўрмайди. Ердан тортиб уруғгача пардасизми? Ер пардасиз, уруғ пардасиз бўлса, Ер юзиде ҳаёт пайдо бўлмас эди ҳам, пайдо бўлганида, узоққа бормай тугар эди ҳам! Ер ўз ҳаёти, ҳаракати, бардавомлиги учун зарур барча катта-кичик нарсаларни мустаҳкам қобиққа ўраган. Ана шу парда, ана шу қобиқ борлиқнинг, Ернинг ҳаёси!

\* \* \*

Айтгим келади: номусни дарраҳдан ўрганинг! Қаранг, у ҳаёт шарбатлари югураётган танасини қандай парда қобиқ билан ўрайди. Бир жойи кесилса, дарҳол шу кесилган ўринни қобиқ билан беркита бошлайди.

Табиатда ҳаё ҳукмрон. Яшаш зарурати шуни тақозо қилади.



\* \* \*

Қурьони каримда ота-онанинг юзига қараб "уф" тортма, улар сени кичикликдан тарбият қилдилар, мазмунида оят келган. Фарзанднинг ота-онаси олдида "уф" тортиши уларни адоий тамом қилади, "Биз боламизга қаноатли ҳаёт беролмабмиз-да", деб ўқинтиради. Ота-она юзига тик қараб уф тортиш - ҳаёсизлик, уҳ тортмаслик, ичдан қиринди ўтаётган ҳолда ҳам буни билдирмаслик — ҳаё. Тўғрироғи, ҳаёнинг ибтидоси.

\* \* \*

Узум гуллаганини кўрган-мисиз? Илк ҳаё ана шу узумнинг гули. У ҳали ширин узум эмас, лекин усиз ширин узум ҳеч қачон етилмайди. Мард одамнинг мардлигида ҳам, қаҳрамон одамнинг қаҳрамонлигида ҳам шундай ҳаё гули мавжуд. Ҳаё бўлмаса, ботирлик бўлмайди.

\* \* \*

Ҳамма одамлар битта одам: жони бир хил оғрийдир, бир хилда қорни очади, бир хилда қулайлик бўлишини хоҳлайди, обод, тинч яшашни истайди. Касал бўлишдан бир хилда кўрқади. Шу билан бирга, ҳар бир одамнинг ўз такрорланмас қимматли хислатлари бўлади. Уни шундай хислатлари турли ҳаётий муаммоларни ечишга қодир қилади. Барча инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тенг. Лекин ҳаёли инсон билан ҳаёсиз инсон тенг эмас. Сезганмисиз: ҳаёли инсон доим сизда ўзига ишонч уйғотади. Ҳаёси бор инсондан кўрқмайсиз. Ҳаёли инсон кўрқитмайди ҳам. Ҳаёсиздан эса кўрқасиз. Бу жисмоний кўрқиш эмас. Балки инсон шаънининг топталиши, поймол бўлишидан ҳазардир.

**Иброҳим ҒАҒУРОВ,**  
*адабиётшунос олим*



*"Кечқурун сайр қилиб юрсам, маҳалламиздаги кўпқаватли уйлардан бирида яшайдиган хотин, тарихга қизиқишимдан хабар топган шекилли, бу борада қандай китоб керак бўлса, бажонидил ёрдам беришини айтиб, манзили ёзилган қоғозини берди. Эртасига ишдан кейин ўша манзилни қидириб топдим. Уч хонали уйнинг кенг залида ўн чоғли одам ўтирар, аксарияти аёллар эди. Мени таклиф қилган аёл сўзамолгина экан, гоҳ ҳазил қилиб, гоҳ маслаҳат бериб, мени "ўргана" бошлади. Кейин "Айтинг-чи, дунёни ким бошқаради?" деб сўради. "Албатта Аллоҳ", дедим. "Шундай-ку", — дея у жавобимдан қониқмаганини усталик билан яширди ва "аслида дунёни иблис ва ёвуз руҳлар, яъни жинлар бошқаряпти", деган фикрини исботлашга тушди.*

*Сўзларига ишонмаётганимни билса-да, гапини тўхтатмас эди: "Мана, сиз мусулмонлар нариги дунёдаги жаннатга ишонасизлар. Лекин биз айтамызки, Иеҳованинг ўғли Исо Масихга имон келтирсангиз, у сизни иблис сиртмоғидан қутқариб,*

*гуноҳларингизни зиммасига олади ва сизларни шу заминдаги жаннатга олиб киради..." "Сизлар кимсизлар?" деб сўрадим. "Биз нажотга эришувчилармиз", деди. Кетар чоғим у кўлимга бир неча китоб, "Сторожевая башня" журналининг янги сонини тутқазди. Ушандан бери улар кимлар? Мақсадлари нима экан?" деган саволлар мени ўйлантиради".*

Абдулла НОДИРОВ,  
Тошкент

## "ХУШХАБАРЧИЛАР"НИНГ ВАЪДАЛАРИГА АЛДАНМАНГ

Ҳозирги кунда турли миссионерлик ташкилотлари бутун дунё бўйлаб кенг фаолият юритишяпти. Хат муаллифи ҳам миссионерлардан бирининг уйига бориб қолгани шубҳасиз. Улар айтишича, Тангрининг "Муқаддас китоб"да келтирилган номи "Иеҳова" эмиш. Бу ном гўё Ҳазрати Мусога "Оловли бутазор" да ошкор этилган экан. Дастлаб "Яху" тарзида талаффуз қилинган бу сўз "Удир" деган маънони англатади.

Миссионерларнинг бу оқимиغا XIX асрнинг иккинчи ярмида Чарлз Тейз Рассел (АҚШ, 1852—1916) асос олган. Рассел етти жилдлик "Муқаддас ёзувларни ўрганиш" китобини ёзган.

Унинг издошлари кўпинча келажак ҳақидаги асоссиз хабарларни тарқатиш билан шуғулланишади. "Таврот"нинг Иеҳова юборган китоб экани, Ҳобилдан Исо Масихга қадар бўлган узоқ даврда Инжил тадқиқотчиларининг сўнгги вакиллари ўзлари эканини айтиш асосий даъволаридир.

Улар оммавий ахборот воситаларидан тарғибот мақсадида кенг фойдаланишади. Ташкилот аъзолари асосий фаолиятларини сай-



ёр воизлар (уйма-уй юрувчи "хушхабарчилар") ёрдамида амалга оширишади. Миссионерликнинг бу оқими маъмурий маркази — Бошқарув корпорацияси ҳисобланади. Бошқарув корпорацияси 15 кишидан иборат бўлиб, Бруклинда (АҚШ, Нью Йорк) иш олиб боради. Оқимнинг асосий жамғармаси Швейцариянинг Цюрих шаҳрида сақланади. Оқим-

нинг ҳар бир аъзоси унга ҳисса қўшиши шарт, чунки ана шу маблағ миссионерликнинг бу оқими ғояларини кенгроқ тарқатиш учун ишлатилади.

Бу оқим вакиллари коинотнинг ягона ҳукмдори Иеҳова, самовий адолатни ўрнатувчи ҳукумат эса унинг асари (иши) бўлади, деб ишонишади. Шу боисдан уларнинг бетиним ваъз, тарғибот йўли билан асосий мақсадлари — "Муқаддас китоб"га асосланган салтанат куриш ҳаракатида эканини билиш қийин эмас.

Оқим вакиллари одамларни ёлғон ваъдаларига ишонтириш учун хаёлий "армагеддон" (гўёки охирзамонда "хушхабарчилар" ва шайтон бошчилигидаги жинлар қўшини ўртасида бўлиб ўтадиган жанг) ҳақида гапиряди.

Миссионерликнинг бу оқими вакиллари мажбурий ҳарбий хизматни тан олишмайди. Ҳарбий хизматга боришни истамайдиганларни ёқлаб, улар ваъз фаолиятлари сабабли гўё қуролли кучлар сафига кирмаслик ҳуқуқига эга эканликларини даъво қилишади.

Улар демократия йўлидаги қатор мамлакатлар байроқларига ҳурмат бажо келтиришмайди. Ўзлари қурмоқчи бўлган салтанатга қарши чиқувчиларни шафқатсиз жазолашларини эълон қилишдан тап тортишмайди.

Бу оқим ҳақида 1985 йилда Москвадаги "Политиздат нашриёти" чоп этган "Энциклопедический словарь" да ҳам маълумот берилган: "Протестант йўналишидаги бу ташкилот асосчилари ўзларини "Инжил тадқиқотчилари" деб аташган. 1931 йилдан бошлаб унинг расмий номи ўзгарди. Ташкилотга Бруклин маркази раҳбарлик қилади, унинг турли минтақаларда 95 та филиали бор. Оқим ўзининг "**Посбон минора**"си, "**Посбонликда**", "**Уй-ғон!**" каби бир неча матбуот нашрларига эга. Ташкилот нашрлари 163 тилда чоп этилади. Улар фаол миссионерлик фаолияти олиб боришади. Улар Исо ва Муқаддас Рухни "Иеҳова"дан тарқалган, деб эълон қилишган... Бруклин назариётчилари фикрича жамият тарихи илоҳий кучлар билан шайтонлар ўртасидаги курашдан иборат. Улар қиёмат, охират дунёси, жаннат ва дўзах ҳақидаги хабарларни инкор қилишади. Уларнинг фикрича, ер юзида шундай илоҳий салтанат ўрнатилдики, унда фақат "хушхабарчилар" ва уларнинг тарафдорлари яшашади. Қолган барча инсоният эса гўё "армагеддон"да (Фаластин шимолида, Меггидо шаҳри ёнидаги тоғда) ҳалок бўлади, дея "башорат" қилишади. Бу гапларини улар табиатдаги мутаносиблик бузилаётгани, янги жаҳон уруши хавфи билан ҳам боғлашади".

Таҳририят



Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли китобини ўқиб чиққанымдан кейин туғилган ўйларимни ўртоқлашгим келди.

Хўш, "маънавият" тушунчасининг маъно-мазмунини, инсон ва жамият ҳаётидаги етакчи ўрни ва аҳамиятини белгиловчи мағзи нима?

## ИМОН БУТУНЛИГИ

"Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир" (19-бет).

Дарҳақиқат, имон бутунлиги ва виждон уйғоқлиги инсоннинг асосий фазилати ҳисобланади. Бу фазилат одамни ҳамиша адолатли бўлишга чақиради.

Буюк олим Мотуридий "Китабут тавҳид" номли асарида ақида масаласини чуқур таҳлил қилиб, инсон маънавий ҳаётида имоннинг туғган етакчи ўрни ва аҳамиятини илмий асослаб берган. Китобда бундай деб таъкидланади: "Имонда тобеъ, табақаланиш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Оддий инсонларнинг имони малоика (фаришталар) ва пайғамбарлар имонига тенг. Фарқ фақат итоатдадир".

Имони суст одам аслида ўзига ўзи қарши бўлади, инсонийлигидан узоқлашади, жамоадан ажралади ва охир-оқибат шахс сифатида жамият учун ёт бир унсурга айланади. Буни биз кечаги совет тузуми даврида гаразли хатти-ҳаракатлар содир этганлар мисолида кўрдик.

Ҳар бир имонли киши Яратганнинг олдида жавобгарликни ҳис қилади. Юксак маънавият эгаси ҳам имони бутун кишидир. Аксинча, имони суст киши маънавий қашшоқлик сари оғиб бораверади.

Фарҳод ТУРҒУНБОЕВ

Муҳаммад ЮНУС:

# “МИЖОЗЛАРИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН...”

*Ҳалигача орамизда қаноатсизлик боис турмушдан, “йўқчилик”лардан, нарх-наволардан шикоят қилувчилар оз эмас. Кўпинча ҳаётда бирор иш, касб-ҳунарнинг бошини тутмаган кишилар шундай қилишади. Аслида Аллоҳдан барака тилаб, астойдил ишлаган одам кам бўлмайди. Тадбиркорликнинг ҳам тури, ҳалол йўллари жуда кўп. Бир ишни бошлаш учун катта маблағ керак, деган фикр хато. Фақат ақл ва маслаҳат билан, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш керак. Шу маънода бангладешлик олтмиш саккиз ёшли Муҳаммад Юнус тажрибаси жуда ибратли. Иқтисодиёт профессори Муҳаммад Юнус 2006 йили Нобел мукофотига лойиқ кўрилган. У 1983 йили Бангладешда “Grameen Bank” номли қарз берувчи муассасага асос солди. Унинг тажрибаси тадбиркорлик тажрибалари нимадан бошласам экан, деб иккиланиб турган ёшларимизга асқотиши турган гап.*

— Йирик банклар инқирозига ҳавоий нафсга берилиш, турмуш ҳақиқатларидан ҳаёлий оламга чекиниш сабаб бўлди. Қарз берувчи билан қарз олувчи тўғридан-тўғри, воситасиз алоқани йўқотди.

Мен Бангладеш университетида иқтисодиёт билан шугулланган кезларим одамларга бир ишни бошлаб, оёққа туриб олишлари учун гоҳо қанчалар арзимас маблағ етарли бўлишини кўриб, ҳайратда қолганман. Ўшанда, ҳали банк ташкил этмасимдан олдин илк бор қарз берган эдим. Университет ёнидаги қишлоқда яшовчи 42 нафар аёлга бамбукдан уй жиҳозлари тайёрлаб, сотишлари учун бор-йўғи 27 доллар кифоя қилган. Яъни, атиги 27 доллар маблағ билан тадбиркорликка киришганман.

Кичик банк очганимдан сўнг, катта тижорат банклари ишини чуқур ўргандим. Улар фаолиятида эътиборсиз қолаётган жиҳатларни аниқладим. Иқтисодиётнинг улар назарга илмаган қирраларига қизиқшим ортди. Шу боис қарзларни кам таъминланганларга таклиф қилдим. Мен улар билан ишлашдан мамнунман, улар қарзларини ўз вақтида тўлашади.

Ушбу дастурни бошлаганимда баъзилар менга ачинишди: “Энди пуллари билан видолашавер”, дейишди. Шунда мен ўйлаб кўрдим: соғ-саломат кўчаларда юрадиган одам нима учун бошқаларга керакли майда-чуйда товарларни бир жойга элтиб сотолмайди ёки енгил хизматларни кўрсатолмайди? Дастлаб минг нафар кишига қарз бердим, кейин икки минг кишига, ҳозир мижозларим рўйхатида 100 минг одам қайд этилган. Мен улар билан фахрланаман. Улар шароит ва эҳтиёжни, маҳаллий бозорни жуда яхши ўрганишди.

Улардан 11 минг киши савдогар, шахсий ҳайдовчи бўлишди, хусусий дўконча очганлари ҳам бор. Биз ҳар бир мижоз билан тушунтириш ишлари олиб бордик. Қарз садақа эмас, уни

қайтариш зарурлигини, ундан қандай қилиб фойда кўриш мумкинлигини ўқтириб бордик. Нима учун улар қарзларини ўз вақтида узишади? Чунки биринчи олганини узган кишига иккинчиси — каттароғини олиш имкони берилади, кейин эса яна кўпроғини...

Нуй Йорк уйсизларига кичик қарзлар бера бошлаганимизда мен жўнатган иш юритувчи АҚШдаги анъаналарни ҳам, одамларнинг руҳиятини ҳам билмас эди. Бу ерда ҳам мижозларимизнинг 98 фоизи олган қарзларини вақтида қайтаришди. Кўринишдан миллий ўзига хослик таъсири сезилмаётди.

Банкимиз қилаётган иш хайр-эҳсон эмас, балки кам фойда кўзланган тадбиркорликдир. Бугунги жамиятга бундай ёрдам жуда керакли, жуда муҳим. Бу бой-бадавлат Америка жамияти бўладими, ривожланаётган мамлакатлар ҳаётими — фарқи йўқ. Биз вақтида узилмаган қарзларни ундиришга кўмаклашувчи ҳуқуқшуносларга, реклама-тарғиботга эҳтиёж сезмаймиз. Ижтимоий йўналтирилган тадбиркорлик кенгайиб, жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини мустақамлаб бораверади.

“Россия” газетасидан олинди.





Тарафқашлик, масалани нотўғри тушуниш ва талқин этиш бирликка раҳна солувчи омиллардан ҳисобланади. Ислом тарихида Сиффин тўқнашуви деб номланган воқеа (37 ҳ.й./657 м.й.) рўй бериши билан мазкур омиллар тўғрисида мусулмонлар орасидан икки фирқа ажралиб чиқди. Кейинчалик бу икки фирқа бир неча фирқаларга бўлиниб кетди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

нинг шаклланиши ва ривожланишида асосий хизматларни аҳли суннат ва жамоат вакиллари адо қилишган.

Саҳобалардан Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Умар (улардан Аллоҳ рози бўлсин), тобеъинларидан Умар ибн Абдулазиз, Зайд ибн Али Зайнул Обидин, Ҳасан Басрий, Шаъбий, Зухрий, Жаъфар ибн Муҳаммад Содиқ (ҳаммаларини Аллоҳ раҳматига олсин) ҳақ йўлдан оған тоифаларнинг



## АҲЛИСУННАТ ФАЗИЛАТЛАРИ

саллам) олдиларига тўғри бир чизиқ чизиб, “Бу Аллоҳ таолонинг дини”, дедилар. Сўнг унинг ўнг ва чапига бир қанча чизиқлар чиздилар ва: «Бу ботил йўлардир, буларнинг ҳар бири бошида шайтон унга чорлаб туради...” дедилар».

Мусулмонларнинг кўпи Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатганлари ана шу тўғри йўлдан адашмай келмоқдалар. Улар аҳли суннат ва жамоат номи билан машҳурдир.

Аҳли суннат ва жамоат бошқа фирқалардан фарқли ўлароқ бирорта мусулмонни куфрда айбламайди. Барча саҳобалар ва тобеъинлар ҳақида ва уларнинг шаънларига тегадиган бирон-бир ёмон сўз айтмайди.

**“...Эй Раббимиз! Бизни ва биздан олдин имон билан ўтган биродарларимизни мағфират қил, имон келтирганларга қалбимизда нафрат уйғотма! Раббимиз! Сен жуза раҳмли ва меҳрибонсан”** (*Ҳашир, 10*), амрига итоат этиб, олдин оламдан ўтган мусулмонлар ҳақида дуо қилишни ўзларига вожиб деб билишади.

Мусулмонларнинг фахри ҳисобланмиш барча илм-фан-

ақидаларидаги хатоларини исботлаб, уларни тўғри йўлга чорлашди ва оммани огоҳ этишди.

Абу Ҳанифа (у зотга Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин) аҳли суннат ва жамоатнинг соф ақидасини баён қилиб “Фикҳул Акбар” китобларини ёздилар.

Саҳоба ва тобеъинлар ва улардан кейингилар давридаги фақиҳлар оламни илм билан тўлдиришди. Уларнинг ҳаммалари аҳли суннат ва жамоат вакиллари дидир. Фақиҳларнинг номи эл орасида машҳур бўлганидан бу ўринда уларнинг номларини келтиришга хожат йўқ.

Ҳадис ва иснод имомларининг барчалари аҳли суннат ва жамоат эътиқодида бўлишган. Муҳаддислар Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насайй, Ибн Можа каби муҳаддисларнинг асарлари асрлар оша илм толиблари қўлларидан тушмай келмоқда.

Муфаззал Заббий, Ибн Аъробий, Руасий, Кисайй, Фарро, Абу Убайд Қосим ибн Саллом, Абу Амир Шайбоний, Иброҳим Ҳарбий, Саълаб, Аҳмад ибн Форс, Сибавайҳ, Ахфаш, Мубаррид, Абул Асвад Дуалий, Яҳё

ибн Муаммар, Исо ибн Умар Сақафий, Абдуллоҳ ибн Абу Исҳоқ Хадрабий, Абу Амр ибн Ала, Амр ибн Убайд ал-Қадарий каби тил ва адабиёт вакиллари аҳли суннат ва жамоат вакиллари бўлишган.

Саҳобалар давридан бошлаб Муҳаммад ибн Жарир Табарий ва унинг издошлари бўлган муфассирлар ва қироат имомларининг барчаси суннат аҳлидан эдилар.

Сияр ва тарих уламоларининг энг машҳурлари ҳам суннат ва жамоат аҳлидандир.

Аҳли суннат ва жамоат вакиллари фақат илмий соҳа билан чекланиб қолмаган. Ободончилик соҳасида ҳам бирор бир тоифа уларнинг олдида туша олмайди. Улар қурган масжид ва мадрасалар, карвонсарой ва корхоналар, кўприк ва ариқлар ҳануз барча олам аҳлини лол қолдириб келмоқда.

Буларнинг барчаси аҳли суннат ва жамоатнинг дин ва дунё соҳасида қилган ишлари шарафли ва буюк эканидан далолатдир.

**Муҳаммадшариф ОТАБОЕВ,**  
*Тошкент Ислом университети*  
*магистранти*



*Халқимиз учун оғир синов бўлган, кўп навқирон миллатдошларимизни ҳаётдан олиб кетган Иккинчи жаҳон уруши тугаганига ҳам олтмиш тўрт йил тўлди. Ана шу қирғиндан омон чиқиб, бугун табарруқ ёшга етган отахонларимиз бор. Шундайлардан бири саксон икки ёшли Абдурахмон ота Абдурахимовдир. 1943 йили ўрта мактабни битиришга улгурмай урушга кетди, йигирма ёшида ўнг қўлидан айрилиб, Ватанга қайтди. Сўнгра Ўрта Осиё политехника институти озиқ-овқат факултетини имтиёзли диплом билан битириб, ёғлар технологияси бўйича илмий изланиш олиб борди, фан доктори, профессор бўлди.*

*Ўқинда отахоннинг суҳбатида бўлиб, ҳаётдан ибратли лавҳаларни ён дафтарчамга ёзиб олдим. Улардан айримларини “Ҳидоят” ўқувчиларига тақдим этгим келди.*

## УМР САБОҚЛАРИ

### Отамнинг дуоси

Урушга чақриқ қоғози икки акамнинг орқасидан менга ҳам келганида, ҳали ўн еттига тўлмаган эдим. Кўнгли чўкмасин, дейишдим, мени кузаётиб, ота-онам ўзларини бардам тутишди. Отамнинг дуолари ҳеч эсимдан чиқмайди: “Аллоҳим! Ўғлимни Ўзингга омонат топширдим, Ўзинг уни паноҳингда асра! Ой бориб, омон қайтсин”.

Отамнинг юрак-юрақдан қилган бу дуолари дилимга ўрнашиб қолди. Урушдан галаба билан қайтганимизча бу дуо ҳар куни эшитилгандай бўлар, руҳимга қувват бағишлар эди.

### Илм шарофати

Қаттиқ шамоллаб қолдим. Сизринга етганимизда дўхтирлар мени поезддан тушириб, бекатдаги ҳарбий шифохонага ётқизишди. Ўн икки кун деганда тузалдим. Ҳарбий комендант Авлиёотадан келаётган поездга чиқариб юборди. Бу эшелонда келаётганлар асосан қозоқ ва қирғизлар эди. Ҳеч ким мени танимайди, овқатим ҳам йўқ. Бу ёғи қандоқ бўлади, деб ўйлардим.

Ёши каттароқ қозоқ киши: “Жигит, қайдин бўласин, атинг не?” деб сўрагач, танишиб олдик. У менга: “Аманлиқ қат жазиб берсан-ши?” деб қолди.

Қозоқ тилида “хат” ёзиб бердим. У киши қувониб, мени сидқидилдан дуо қилди ва: “Жигит, саған талқон, қурут, майиз бераман”, деди. Мен бу саховатни жону дил билан қабул қилдим. Яратганнинг марҳаматига шукроналар айтиб, қорнимни тўйгаздим.

Вагонда мендан бошқа хат бита оладиган одам йўқ эди. Поезд тўхтаган пайтлари ҳамроҳларим мени зериктирмас, уларга навбати билан хат ёзиб берар эдим. Улар берган озиқ-овқатларни еб манзилга етиб олдим.

### Ой ёруғида

Аллоҳга таваккал қилиб бошланган ишлар хайрли бўлади, дейишарди ота-онам. Биргал бошқа жангчиларнинг ҳам ташна эканини ўйлаб, қўшни хандақлардан ҳам декчаларни йиғиштириб олиб, эҳтиёткорлик билан жарга тушиб кетдим. Тушаётганимда оёғимга нимадир урилди, ой ёруғида синчиклаб қарасам, помидорлар пишиб ётибди. Ариқда шилдираб оқаётган сув кўринди.

“Жарга тушиш ниятини кўнглимга бежиз солмаган экан”, деб Аллоҳга шукрона айтдим. Тўйиб сув ичдим, идишларни ҳам тўлдирдим. Помидорлардан олдим. Ортга қайтарканман, “Зора ўқ отмай туришса”, деб Аллоҳга илтижо қилардим. Шукр, қийналмай тепага чиқдим. Жангчи ўртоқларимнинг хурсанд бўлганини кўрсангиз эди! Уларнинг қувонганини эсласам, ҳамон кўнглим ёришиб кетади. Бошқаларга яхшилик қилиш ўзинг учун ҳам қувончли бўлар экан.

**Муҳтарама УЛУҒОВА,**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият  
ҳодими



## Кўркамлик фазилати

Инсон ҳаёси билан кўркам. Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) “Ким одамлардан уялмаса, Тангридан ҳам уялмайди”, деб марҳамат қилганлар. Ҳақиқатдан ҳам уятли, андишали, камтар, диёнатли кишилар ахлоқ-одоби билан барчанинг меҳрини қозонади.

Бир кун Анушервон Бузург-меҳрдан: “Ёшларларда қайси фазилат, кексаларда қайси хислат аъло?” деб сўради. Шунда Бузург-меҳр:

“Ёшларда шарм-ҳаё ва ши-жоат, кексаларда эса донолигу вазминлик” деб жавоб қилди.

Ҳаё ва поклик, гўзал муомала инсон маънавиятининг асоси эмасми? Уйда, кўчада, жамоат жойларида, ишхонада ҳам унга амал қилсак, иншааллоҳ, атрофдагиларга манфаатимиз кўпроқ тегади. Ахир Пайгамбаримиз (алайҳиссалом): “Ҳаё имоннинг бир қисмидир! Ҳаё фақат яхшилик келтиради” (*Бухорий ва Муслим ривояти*), деганлар.

**Неъматулла  
САЪДУЛЛА ЁҒЛИ,**  
*Қибрай тумани*

## Тонг

Оппоқ тонгнинг завқи-шавқи ўзгача. Унинг ажойиб тароватини, қушлар тонгни қарши-лаб сайраётганини, гуллар бағрига тонгги шабнам сирга таққанани кўриб завқланасиз киши... Тонг пайтида хонадонларнинг кўча дарвозаси очилиб, сувлар сепилиб, супурилади. Шундан биламиз, бу хонадонда одобли қиз ёки келинчак бор...

Бувим биз қизларга тонгнинг хосияти билан боғлиқ бир ҳикояни такрор-такрор айтар эдилар:

“Бир деҳқон Раҳмоннинг амрига итоат этиб, мўл-кўл ҳосил

олар экан. Буни кўриб Шайтоннинг ҳасади келибди. Уни йўлдан ура бошлабди. Шунда деҳқон, “Ҳали вақт эрта, улгураман”, дея ўйлаб кўп ишларини орқага сурибди. Фафлат босиб, дала ишларини вақтида қилмагани учун иши юришмай, мўл ҳосил ололмабди. Уйдан барака кўтарилибди. Деҳқоннинг бир оқила келини бўлиб, бу ишларнинг сабабини дарров сезибди. У ҳар кун азонда туриб, Раҳмондан хонадонга ризқ, қайнотасига инсоф сўраб дуо қиларкан. Ҳаммадан илгари туриб, кўча дарвозаларини очиб, ҳовлини чиннидай тозаларкан. Натижада ҳар кун Раҳмон ўша хонадонга кўпроқ ризқ бера бошлабди. Қайнота ҳам сусткашлигидан хижолат бўлиб, эрта азонда туриб, деҳқончилик ишларига шўнғибди. Бора-бора деҳқон-



нон ёпсалар, дарров кўшнимизга илиниб: “Оғзи тегсин” дея кўлимизга тутқазиб, киритиб юборардилар. Онамнинг мана шундай чиройли одатларини кўп эслайман. Энди билсам, бу ишлари билан биз болаларни меҳр-шафқатли бўлишга ундаган эканлар. Уйимиздан нарироқда турадиган қўшни аянинг анчадан буён хаста эканини эшитиб қолдим. Кўшнимнинг айтишича, ая тандирда нон ёполмай қолибди. Кўшнимнинг ҳолидан хабарсиз эканимдан хижолат бўлдим. Кўчамиз боши-



нинг рўзғори яна обод ва фаровон бўлибди”.

Ниятимиз шуки, қизларимиз ўша доно келин каби бўлишга интилишсин. Кўшни қизлар эрта туришда кимўзари ўйнашса, қандай яхши...

**Тўхтагон РАҲИМОВА,**  
*Наманган тумани*

## Ҳиммат

Оналардаги шафқат туйғусининг ўхшаши йўқ. Онам тансиқроқ овқат қилсалар ёки иссиқ

даги новвойхонага бориб, новвойга пул узатдим ва ниятимни билдирдим. У: “Ака, савоб бизга ҳам керак”, деб пулни қайтариб берди ва: “Буни қаранг, аянинг ҳолидан биз ҳам хабарсиз қолибмиз. Кунига бешолтита нон киритиб турамиз, хавотир олманг”, деди. Дўстимнинг холис ниятда қилган ҳимматидан бошим кўкка етди.

**Эркин МАДОЛИМОВ,**  
*Марҳамат тумани*



# БРАЗИЛИЯДА ИСЛОМ

Бразилияга мусулмонлар қаердан келишган? Барча тан олган тахминларга кўра, Бразилияда Ислom ва мусулмонлар тарихи 1550 йилдан, португал мустамлакачилари бу ўлкага африқолик қулларни олиб келишидан бошланган. Олимлар ҳисобича, Бразилия Африқодан келтирилган жами қулларнинг 35 фоизини қабул қилган. Яна бошқа тахминлар ҳам бор: қадимшунослар “Аллоҳ” сўзи битилган бундан ҳам олдинги даврларга оид арабча ёзувларни топишган. Баъзи олимлар ҳинду қабилалари тилида араб тили таъсирини ҳам аниқлашди.

Тирикчиликнинг аянчли шароитлари, оғир меҳнат ва ҳўрланиш далаларда ишлашга олиб келинган мусулмонларни бефарқ қолдирмади. 1835 йили Бахия штатида йирик норозилик чиқишига сабаб бўлди. Шундан сўнг ҳукумат мусулмонларга нисбатан сиёсатини қайта кўриб чиқди. Уларни насроний динига даъват қилиш кучайтирилди, лекин бу жиддий натижа келтирмади. 1910 йил маълумотларига кўра, мамлакатда 100 мингдан ортиқ африқолик мусулмон яшаган.

Кўп ўтмай Бразилияда мусулмонлар сони янада ортди. Бунга араб мамлакатлари, хусусан, Сурия ва Ливиядан иш ахтариб келганлар сабаб бўлишди. Агар ўн тўққизинчи аср охирлари ва йигирманчи аср бошларида бу ерга асосан насронийлар кўчиб келишган бўлса, ўтган асрнинг қирқинчи йилларида келган-

ларнинг асосий қисми мусулмонлар эди. 1929 йилдаёқ биринчи исломий ташкилот – Сан Пауло “Мусулмон хайрия жамияти” иш бошлаган. 1956 йили эса Сан Паулода Бразилия ва бутун Жанубий Амриқода ягона масжид очилди. Кейинчалик Куритиба, Паранагуа, Рио де Жанейро, Бразилиа каби шаҳарларда ҳам мусулмон хайрия жамиятлари пайдо бўлди. Энг йирик мусулмон жамоалари Сан Пауло ва Рио де Жанейро шаҳарларида таркиб топди ва бу икки шаҳар ҳозиргача Бразилияда Ислom марказларидан бўлиб келяпти.

Мамлакатдаги илк мусулмон ташкилотларининг асосий вази-фаси тарқоқ мусулмонларни тўплаш, жума намозини ташкил этиш, хайрия ишлари билан шуғулланиш каби диний ва ижтимоий тадбирлардан иборат эди. Мусулмонлар жамоаси дуч келган биринчи муаммо илми диний раҳбарлар йўқлиги бўлди. Улар Яқин Шарқ мамлакатларидан таклиф этилди. Бу борда Маврикия ва Мароқаш олимларининг алоҳида устунлиги бор эди, чунки уларнинг айримлари португал тилини билишарди.

Саксонинчи йиллар бошида Сан Пауло мусулмонлари ўз олимларига эга бўлиш учун бир гуруҳ Бразилия фуқароларини чет элга исломий билимларни эгаллаш учун юборишди. 1985 йилда Бразилияда ишлаётган мусулмон мамлакатлар элчилик ташкилотлари тузган Ислom маркази ёрдамида бу гоё ҳаётга татбиқ этилди. Бразилиялик талабалар Саудия Арабистонидаги Ислom университетига жўнаб кетишди. Уни дастлаб икки киши битириб, биринчи Бразилия олимлари бўлишди. Улар ҳозир Сан Паулода яшашади, шу кунларда энг нуфузли мусулмон ташкилотлари: Бразилия мусулмонлари уюшмаси, Лотин Амриқосида Ислomни ривожлантириш халқаро марказини ташкил этишда фаол қатнашишган.

Ҳозир Бразилиядаги барча мусулмонларнинг 40 фоизи Сан Паулода яшайди, мамлакатдаги асосий исломий ташкилотлар қароргоҳи ҳам шу ерда жойлашган.

Бразилия Ислom маданияти марказининг 2005 йилги маълумотига кўра, Жанубий Амриқодаги бу мамлакатда ҳозир юзтача масжид ишлаб турибди. Тезлик билан ўсаётган мусулмонлар сони эса икки миллион кишига етди. Аввалда бўлганидай, уларнинг асосий қисми Сурия, Ўрдун ва Лубнондан кўчиб келганлар авлодидир. Ислomга янги кираётганлар сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Сан Паулода янги мусулмон бўлганларнинг ўзлари ватандошларини Ислom динига чорлашяпти. 2006 йили улар сафига собиқ насроний руҳонийи ҳам қўшилди.

Сўровлар натижасига кўра, бу Лотин Амриқоси мамлакатидagi аҳолининг Ислomга кириш сабаблари турлича. Айримлар Ислom ҳақида газетадан ўқиб ёки телекўрсатувлар кўриб мусулмон бўлишганини айтишади.

Айрим янги мусулмонлар ўз жамоаларини тузишяпти. Яқинда Ислomга кирган бир гуруҳ қоратанли кишилар Сан Пауло марказида янги намозхона очишгани бунга мисол бўла олади. Мозамбикдан таклиф қилинган киши имом-хатиблик қиляпти.

Аҳолининг Ислomга кириши мамлакат мусулмон жамоалари учун айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаряпти. Расмий-диний адабиётлар етишмаслиги ҳам жиддий муаммолардандир. Мамлакатда бошқа ўлкалардан фарқли ўлароқ испан тили эмас, балки португал тили оммалашган. Шу сабабга кўра, испан тилига ўгирилган Ислomга оид китоблардан бразилияликлар бебаҳра. Лотин Амриқосида Ислomни ривожлантириш халқаро маркази асосий адабиётларни португал тилига таржима қилдиришга уринмоқда.

**Антон ЕВСТРАТОВ**  
(Интернетдан олинди.)

